Ассалом XXI аср!

# ISHONCH

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 1 январ, душанба №1-2 (1016)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Авваламбор, байрам дастурхони атрофида жам бўлиб ўтирган сиз, азизларни - кексаю ёш барча юртдошларимни кириб келаётган Янги йил айёми билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бир неча дақиқалардан кейин инсон ўзига тасаввур қилиши ҳам қийин бўлган воқеанинг гувоҳи бўламиз - хонадонларимизга бир пайтнинг ўзида янги йил, янги аср, янги минг йиллик кириб келади.

Асрлар ва минг йилликлар алмашадиган, инсоният янги даврга қадам қўядиган бундай ноёб ва тарихий лаҳзаларга гувоҳ бўлиш - барчамизга Оллоҳ таоло насиб этган улуғ инъом, катта бахтдир. Халқимиз таъбири билан айтганда, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Азиз юртдошларим!

Ўзининг оламшумул ютуқлари ва мислсиз фожиалари, мураккаб зиддиятлари билан одамзотни ҳайратга соладиган XX аср билан хайрлашар эканмиз, унинг кўп-кўп ҳақиқатларни очиб берган тарихий сабоқлари беихтиёр хаёлимиздан ўтади.

Бу давр кишилик тарихида инсоннинг коинотга чиқиши, илм-фаннинг гуркираб ривожланиши, чинакам мўъжизаларга йўл очилиши, ишлаб чиқаришни, ижтимоий ҳаёт ва инсон дунёқарашини кескин ўзгартириб юборгани билан одамзот хотирасида ўчмас из қолдиради.

Бу аср жаҳон миқёсида мустамлакачилик тузумининг барҳам топиши, миллионлаб мазлум халқларнинг озодлик ва эркинлик учун кураш даври бўлгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Лекин, таассуфки, инсоният бу асрда ҳам оғир муаммолар, турли синов ва хавфу хатарлардан бутунлай халос бўлолмади.

Дунёнинг икки марта жаҳон урушини бошдан кечиргани, бутун-бутун халқлар ҳаётига хавф соладиган миллий, мафкуравий, диний асосдаги қарама-қаршиликларнинг, ҳудудий можароларнинг авж олгани, халқаро террорчилик, экстремизм, экологик хатарлар, гиёҳвандлик каби иллатлар инсоният бошига улкан мусибатлар олиб келгани ҳам мана шу даврнинг аччиқ ҳақиқатидир.

Ўтаётган асримизга хос бундай ижтимоий тўфонлар бизнинг ўлкамизни ҳам четлаб ўтгани йўқ, албатта. Халқимиз мустамлакалик зулми ва қарамлик жабрини тортди, мустабид тузум, камситиш, тазйиқ ва қатағон йилларини бошидан кечирди, озодлик ва истиқлол учун кураш йўлида қанча-қанча қурбонлар берди. Лекин ҳар қандай оғир, машаққатли синовларда ҳам ўз орзу-ниятларидан, дину диёнатидан, улуғ мақсадларидан, ҳуррият сари интилишидан қайтмади.

Шу боис ҳам халқимиз, миллатимиз учун, шу табаррук ва мўътабар замин - Ўзбекистон менинг ягона ва бетакрор Ватаним, деган ҳиссиёт билан яшаётган ҳар қайси инсон учун XX аср, аввало, мустақиллик асри бўлиб қолажак.

Биз тарих берган ноёб имкониятдан фойдаланиб, ўз ҳаётимизни, ўз тақдиримизни қўлга олдик, ўзлигимизни англадик. Ўз кучимиз ва қудратимизга ишониб, халқимизнинг олижаноб фазилатлари, сабр-матонати, фидокорона меҳнати туфайли қисқа даврда - шу асрнинг охирги ўн йиллигида келажагимиз ва бахт-саодатимиз пойдеворини барпо этдик, янги асрга озод халқ, эркин миллат бўлиб, ёруғ юз билан кириб бормоқдамиз.



Шу маънода, дунёдаги илғор мамлакатлар билан биргаликда тараққиёт йўлидан бориш, ҳаётимизни ислоҳ этиш, жамият ва давлат тизимини янгилаш ва эркинлаштириш, бир сўз билан айтганда, юртимизни обод, халқимиз ҳаётини фаровон қилиш борасида 2000 йил ўзига хос ўринга эга бўлди.

Ўйлайманки, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига бефарқ қарамайдиган, мана шу ўзгаришларни ўз қалбидан ўтказадиган ҳар қайси инсон ҳаётимизда рўй бераётган янгиланиш жараёнларини кўриб беихтиёр қувониши шубҳасиз.

Шаҳар-қишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси кундан-кунга ўзгариб, чирой очаётгани, бепоён далаларимизда, ишга туширилаётган янги-янги корхоналаримизда, умуман, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида одамларнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгариб, масъулияти ортиб бораётгани бугунги кунимизнинг энг устувор хусусиятидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Маънавий-маданий ҳаётимизни янги мазмун билан бойитиш, миллий қадриятларимизни тиклаш, асл томирларимизга қайтиш йўлида амалга ошираётган хайрли ва эзгу ишларимиз ўзлигимизни англаш ва буюк мақсадларимизга эришишда мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Бу борада Соғлом авлодни тарбиялаш, Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурларни амалга ошириш, фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, етук ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш йўлида қўйган қадамларимиз барчамизни қувонтирмасдан қолмайди.

Айни вақтда юртимизнинг бойликларига кўз олайтираётган, танлаб олган йўлимиздан собитқадамлик билан олға юришимизни кўролмайдиган, кўпмиллатли халқимизнинг тинч-тотув ҳаётини, ўзаро ҳурмат ва аҳиллигимизни, жамиятимизда ҳукм сураётган меҳр-оқибатни бузишга уринаётган манфур кучлар ҳам борлигини унутмаслигимиз керак.

Шу боис биз бу кучларнинг қабиҳ ниятларидан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз, азиз болажонларимизни асраш ва уларни ёвуз таъсирлардан сақлаш - ҳар бир ота-онанинг инсоний бурчи эканини яна бир карра англаб олишимиз даркор.

Муҳтарам дўстларим, биродарларим!

Мана шу унутилмас лаҳзаларда ҳар қайси инсон Оллоҳ таолодан қалбининг тўрида ардоқлаб келаётган энг эзгу истак ва ўйлари рўёбга чиқишини, ўзига, оиласи ва фарзандларига эсон-омонлик, элу юртига тинчлик, тўкинлик ато этишини, омад ёр бўлишини сўрайди.

Мен ҳам сиз - миллион-миллион азиз ҳамюртларимнинг ана шундай орзу-умидларига тилакдош бўлиб, дилингиздаги пок ниятларингиз ижобат топишини Яратганимиздан сўрайман.

Ҳеч шубҳасиз, янги кириб келаётган йилда халқимизнинг фаровонлигини ошириш, унинг тинч ва осуда ҳаётини асраш, ёрдамга муҳтож оилаларни давлат ҳимоясига олиш йўлида, тадбиркор ва ишбилармонлар учун, изланиб яшаётган ҳар қайси инсон учун имконият ва шарт-шароит яратиш, уларнинг йўлини очиб беришга, одамларнинг ўз меҳнати натижасидан кўпроқ баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган ишларимиз янада кучаяди ва, иншоолло, ўз самарасини беради.

Янги асрнинг биринчи йилини Оналар ва болалар йили деб атаб, янги йилни хонадонларимиз чароғи, ҳаёт давомчиси бўлган мунис оналар ва истиқболимиз эгалари - фарзандларимиз тимсолида кўришимиз буюк келажакни фақат соғлом ва баркамол авлодгина бунёд эта олади, деган ҳақиқат ҳаётимизда изчил ва мустаҳкам қарор топаётганининг тасдиғидир.

Биз кириб келаётган йилда катта ифтихор ва ғурур билан нишонлайдиган мустақиллигимизнинг ўн йиллик байрами ҳамда тарихимиздаги буюк саналарни муносиб кутиб олишга қаратилган барча режаларимиз янги йилимизнинг янада мазмунли бўлишига ҳисса қўшиши ва унинг файзу баракасини зиёда этиши муқаррар.

Қадрли ватандошларим!

Барчамизнинг нигоҳимиз мангулик сари ошиқаётган соат милларига қаратилган мана шу ҳаяжонли дақиқаларда ҳар бирингизни хаёлан бағримга босиб, айтмоқчиман:

Янги йил хонадонларимизга бахту саодат, файзу барака олиб келсин!

Дуогўй отахон ва онахонларимизнинг умрлари зиёда бўлсин, ўғил-қизларимизнинг камолини берсин!

Халқимизнинг боши омон, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил, янги аср, янги минг йиллик барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ

## меҳр ва саховат ифодасидир

(РЕПОРТАЖ)

Пойтахтимизнинг муҳташам Туркистон саройида ўзгача бир файз, тарона. Сабаби, ушбу кошонада «Президент арчаси» тантаналари бошланди. Байрамона оҳангларни авж пардада ижро этаётган карнай ва сурнай наволари юртимизнинг барча болажонларини тантанага чорламоқда.

Дарҳақиқат, Ватанимиз истиқлолга эришгач, ўтаётган ҳар бир кунимиз тўйга айланди. Кунда бир янги ташаббусу, эзгу саъй-ҳаракатларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз.

(Давоми 3-бетда).

### *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига ва Каримова хонимга*

Оиламиз, Оқ уйда ўтказилган алоҳида учрашувимизни самимият билан эъзозлаб эслаган ҳолда, Сизга ва оилангизга тинчлик-осойишталик ҳамда эзгу ниятлар билан йўғрилган Янги йилни шодиёна байрам сифатида кутиб олишингизни чин дилимиздан тилаб билдирган истакларини йўллайди.

**Билл КЛИНТОН,**
**Ҳиллари Родҳэм КЛИНТОН**

* * *

### *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Кириб келаётган Янги 2001 йил муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Тугаб бораётган йилда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги кенг қамровли чинакам ҳамжиҳатликни ривожлантириш учун талайгина ишларни амалга оширишга муваффақ бўлдик. Биз учрашувларимиз чоғида қўлга киритилган аҳдлашувларни рўёбга чиқариш мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона алоқалар ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишига самарали хизмат қилишига изчиллик билан эриша бориш ниятидамиз.

Сизга чин қалбдан сиҳат-саломатлик, Ўзбекистонни равнақ топтириш йўлидаги давлат фаолиятингизда муваффақиятлар, қариндошларингиз ва яқин кишиларингизга бахт-саодат ва омонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**

* * *

### *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига*

Янги йил муносабати билан тинчлик барқарор бўлишини тилаб билдирган эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

**Кофи АННАН,**
**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби**

* * *

### *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни Янги 2001 йил билан сидқидилдан муборакбод этаман. XXI аср ва учинчи минг йилликнинг биринчи йили янги давр -тинчлик, эзгулик ва тотувлик даври бошланишидан дарак берсин!

Сизга ва оилангизга, мамлакатингиз халқига бахт-саодат, муваффақиятлар ва омонлик тилайман!

**Нурсултон НАЗАРБОЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти**



# ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИ

Урганчдаги 93-сонли таянч-ҳаракатланиш тизими хасталигига чалинган болалар меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари янги йилни ўз тенгдошларидан бир ҳафта илгари байрам қилишга киришди. Биринчи бўлиб «Экосан» халқаро нодавлат хайрия жамғармаси вилоят бўлими ходимлари болаларни янги йил, янги аср ва минг йиллик билан қутлашди. Меҳмонлар уларга қишки кийим, ўйинчоқлар ва ширинликлардан иборат совғаларни топширди.

Шу кунларда Хоразмда деярли бирорта ҳам бола эътибордан четда ва совғасиз қолаётгани йўқ. Қишки таътиллар бошланиши арафасида вилоятдаги ўнлаб ихтисослашган тиббий муассасалар ва ўқув юртларига хомий ташкилотлар, жамоатчилик жамғармалари, тадбиркорлар ва оддий фуқаролар ташриф буюрмоқда. Маҳалла йиғинлари фаоллари сурункали ёки давосиз хасталикка дучор бўлган болалари бор оилаларни бориб кўришмоқда. ЎзА мухбирига вилоят ҳокимлигида берилган маълумотга кўра, бемор болаларга топширилган совғалар ва бошқа моддий ёрдам миқдорини санаб чиқиш мушкул ишдир. 30 декабргача икки минг икки юз нафардан ортиқ хаста болалар янги йил тантаналарининг гувоҳи бўлишди.

# ОТАЛАР ДУОГА ҚЎЛ ОЧИШДИ

## *Юртимиз, Юртбошимиз ҳақига*

Омин,

Оллоҳим, муборак юртимизда тинчлик-хотиржамлик, вақтихушлик, меҳру оқибат барқарор бўлсин. Ёшларимизни, барча мўминларни Ватанга садоқатда, иймону эътиқодда мустаҳкам айласин, ҳар биримизни юрт корига ярашдек улуғ бахтдан бенасиб қилмасин. Бизга Яратганнинг ўзи етказган муҳтарам Юртбошимизнинг азиз боши омон бўлсин, уларга куч-қувват ато этсин, ёмон кўзлардан асрасин!

Янги йил, Янги аср тинч яратувчилик, буюк ўзгаришлар, қут-барака, ҳамкору ҳамжиҳатлик даври бўлсин.

Оллоҳу акбар!



# ҲАЁТБАХШ ФАРМОНЛАР – меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчи

## ПЕНСИОНЕРЛАР РАҲМАТ ДЕЙИШМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 8 майдаги Фармонига асосан Марғилон шаҳри ҳудудида истиқомат қилаётган 375 нафар уруш қатнашчиси ва ногиронлари, 470 нафар уларга тенглаштирилган нафақахўрлар мазкур Фармонда кўрсатилган имтиёзлардан, яъни газ, сув, электр тўловларидан 50 фоиз арзонлаштирилган ҳолда фойдаланмоқдалар.***

Янги йил арафасида бир гуруҳ нуронийлар билан суҳбатда бўлдик. Улар Президентнинг ҳаётбахш Фармонлари меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчига айланганлигини мамнуният билан изҳор этдилар. Шаҳар ижтимоий таъминот бўлимининг жонкуяр ходимлари ўз вазифаларига сидқидилдан муносабатда бўлиб, пенсия ва нафақаларни ўз эгаларига вақтида етказиб бермоқдалар. Ҳар ойда ана шу мақсад учун 180 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилмоқда.

— Ҳар тонг эзгу ният билан дуога қўл очиб юртимизга, севимли Президентимизга омонлик, соғлиқ-саломатлик тилайман, — дейди 80 ёшли Шокир ота. — Меҳрибонлик бўлса шунчалик бўлар. Қаранг, 84 нафар ҳеч кими йўқ, ўзгалар ёрдамига муҳтож кишилар коммунал хизмат, уй-жой тўловларидан 100 фоиз озод қилинганлар. Шу билан бирга уларга ҳар ойда 9 хил меъёрланган неъматлар етказиб берилмоқда.

Сўнгги йилларда якка-ёлғиз кексаларга, ногиронларга хизмат кўрсатишни янада яхшилашга қаратилган тадбирларни изчил амалга оширилди. Жумладан, 2000-2005 йилларда ёлғиз кексалар, ногирон ва пенсионерларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги давлат дастурига асосан Марғилондаги 372 нафар ёлғиз кексалар, ногирон ва пенсионерлар рўйхатга олиниб, улар диспансер кўригидан ўтказилди. Лозим топилганларга сиҳатгоҳларга бепул ва имтиёзли йўлланмалар берилди. Шунинг учун ҳам табаррук кишилар Фармон чиқарганга қуллуқ, дейишмоқда.

**А.ТЎХТАСИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



















## МУРУВВАТЛИ ХАЛҚМИЗ

***«...Кам таъминланган оилага моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш чоғида ижтимоий адолат, рўй-ростлик, кенг ошкоралик қоидаларига риоя этилиши, ажратилган маблағлар аниқ мақсадни кўзлаб ва самарали фойдаланиш учун мажбурий шартлар бўлиши лозим».***

(Ўзбекистон Президентининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармондан)

Меҳру оқибатли, эзгуликка интилиб яшовчи халқмиз. Боримизни баҳам кўриш, етим-есирлар бошини силаш, кўмакка муҳтожларни қўллаб-қувватлаш азалий одатимиз.

Қишлоғимизда 320 та оила истиқомат қилади. Кўпболалилар давлат томонидан нафақа билан таъминланган. Ҳаёт-да, оз бўлсада боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар ҳам йўқ эмас. Президент Фармонига кўра аҳолининг бу қатлами мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинган.

Фуқаролар йиғини ҳудудида 13 та маҳалла фаоллари астойдил жонбозлик кўрсатмоқда. Биз ҳар бир оиладаги муҳит, имкониятдан бохабармиз. Тадбирларимиз, нуронийлар бошчилигида ўтказилаётган саъй-ҳаракатлар одамлар ўртасидаги меҳру оқибатни кучайтирмоқда. Фуқаролар йиғини ҳудудидаги кам таъминланган 80 дан ортиқ оилага ҳар ойда давлат томонидан 300 минг сўм миқдорида қўшимча нафақа тўланяпти. Шу билан бирга савобли ишга тадбиркорлар, қатор корхона ва ташкилотлар ҳам қўшилишган. Ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қисқа вақт ичида 500 минг сўм маблағ тарқатилди. Равшанки, ҳайит меҳру оқибат байрамидир. Куни кеча бўлиб ўтган унутилмас кунларда муҳтожлар кўнгли олинди, касалхоналарда даволанаётганлар йўқланди, хайрия кечалари ўтказилди. Одамлар ҳамиша давлат, Президент уларга соябон эканликларини қалбдан ҳис қилишмоқда.

**Н.ҚОСИМОВ,**
**Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.**

## МУНОСИБ СОВҒА

«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятининг Олот туманидаги тўқув фабрикаси жамоаси якунланаётган йилда белгилаган барча режаларини ортиғи билан уддалади. Олотлик тўқувчилар жорий йил давомида режалаштирилган 9 миллион погон-метр ўрнига 9 миллион 6ОО минг погон-метр газлама тайёрлади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 141 фоизга кўпайиб, меҳнат унумдорлиги 183 фоизни ташкил этди.

Бухоро шаҳридаги «Сомоний» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳам барча турдаги кўрсаткичларни муддатидан илгари адо этиб, янги аср ҳисобига ишламоқда.

## КИТОБЛИК ФЕРМЕРЛАР

***Китоб туманида 106 нафар фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Уларга 1287 гектар ер ажратилган. Тадбиркорлар йил сайин унумли меҳнат қилиб, истеъмол бозорини тўлдиришга муносиб ҳисса қўшишмоқда.***

Бу ерда деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари 26 та боғдорчилик, 8 та узумчилик билан шуғулланадиган тадбиркорлар бор. «Мансур ота», «Иқтидор», «Мирзаали бобо» деб номланган шахсий хўжаликлар эришаётган натижа, тажриба ва ташаббуслар эътиборга молик.

— Етмиш йилдан ортиқ вақт мобайнида авлодим билан ерга зор бўлиб яшадим, - дейди «Қундуз» фермер хўжалиги раҳбари Қаландар Йўлдошев. - Президент Фармони шарофати билан энг катта орзуимизга эришдик. Шунинг орқасидан иккита уй қурдик, иккита енгил автомашина олдик, укаларимни уйлаб, юртга ош бердим. Биз — ўзбеклар ҳеч қачон меҳнатдан қочмаймиз. Шароит бўлса, ишимиз қадрланса, вақт билан ҳисоблашмаймиз. Фермер хўжалиги ташкил этиб, бой бўлдик. Ҳар йили ўрта ҳисобда 2 миллиондан ошириб даромад олаяпмиз. Янги йилдан, Янги асрдан ўтинчим, тадбиркор йўлига ғов бўлувчилар бўлмасин. Элим деб, юртим деб, меҳнат қиладиган инсонлар кўпайсин.

Фермер бойиса, юрт бойигани. Масалан, Қаландар Йўлдошев ўз даромади ҳисобидан 1 километр йўлга тош тўкдириб, текислади. «Меҳрибонлик уйи»га қўлдан келганча ёрдам кўрсатмоқда. Эътиборлиси шуки, тумандаги қатор тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати билан 40 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг хатна тўйлари ўтказилди. Бу одамларимиз ўртасида ҳамжиҳатлик, меҳру оқибат кучайиб бораётганлигининг исботидир.

**С.ШАВКАТОВ.**

## БИЗ НИМАДАН БОЙ БЎЛДИК?

***Сирдарёда Президент Фармони шарофати ила деҳқон хўжаликлари тобора ривожланиб бормоқда. Бу кишилар ғайрат-шижоатини оширмоқда, ташаббус кўрсатиб ишлашга чорламоқда. Сўнгги йилларда вилоятда камёб ўсимлик-анорзорлар кўпайганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.***

Қадимда Мирзачўлда анорзорлар бўлганми, деган саволга кўпчилик аниқ жавоб беролмайди. Бўлган, бироқ шўро даврида пахта якка ҳокимлиги туфайли улар тугатилиб юборилган.

— Йигирманчи асрнинг сўнгги йилида ҳаётимдаги энг унутилмас воқеалардан бири, бу етарли миқдорда томорқага эга бўлганлигимдир, - дейди деҳқон Абдулла Қобулов. - Президент Фармонига кўра 16 сотих ер беришди. Унга дастлаб 150 туп анор кўчати ўтқаздим. Бу оила бюджетимизни мустаҳкамлади, бозор муаммоларини ҳал этиш имконини берди. Эндиликда ҳар йили 5 тоннадан анор сотаяпмиз. Деҳқонобод анорзорларини кезиб, илғорлар тажрибасини пухта ўргандик. Шундан сўнг ҳар бири ярим килодан ошиқроқ тош босадиган анорлар юзага келди.

Суҳбатга меҳнат фахрийси Эркин Соипов қўшилди. Таъкидлашича, у яшаётган қишлоқда йилига 500 тоннадан зиёд анор тайёрланаркан. Мўмай даромад эгаси бўлаётган кишилар уйлар қуришмоқда, тўйлар қилишмоқда, ажойиб машиналарни ҳузур қилиб минишмоқда. Улар қўли билан етиштирилган сархил неъматлар эл дастурхонини безамоқда.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ХХ АСР сиёсий шарҳловчи нигоҳида

***Қувонч ва ташвишларга тўла бўлган ХХ асрнинг сўнгги йили ҳам ниҳоясига етди. Кўз ўнгимизда Янги аср туғилди. Якунига етган аср, унинг ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий, илмий-маърифий жиҳатлари ҳақида айтилаётган фикр-мулоҳазалар эса ҳали поёнига етганича йўқ.***

Кимдир икки бор юз берган жаҳон урушини эсласа, яна кимдир ядро қуроли яратилганлигини, яна биров космик фазо забт этилганлигини, айримлар фашизм ва болшевизм ярим аср оралиғида мағлуб бўлганлигини эслайди. Тўғри, поёнига етган аср буюк кашфиётлару ихтироларга тўла бўлди. Аммо, турли бало-қазолар, хусусан, вабо, сил хасталиги, саратон ва СПИД каби ўта оғир касалликлар ҳам айнан шу асрда кўпайди ёки пайдо бўлди. Ҳозир ер юзида СПИД дардига мубтало бўлганлар сони 40 миллиондан ошди. Яқин-яқингача бу офатнинг 70 фоизи Африка қитъасига тўғри келиши таъкидланар эди. Энди эса бу касалликка дучор бўлганлар жаҳоннинг ҳар бир минтақасида, шу жумладан, МДҲ мамлакатларида ҳам учрамоқда.

Ушбу юз йилликка қанчалик турфа қарашлар, мушоҳадалар айтилишидан қатъий назар, жонажон Ўзбекистонимиз учун ХХ асрнинг энг буюк воқеаси — бу Мустақилликдир. Мустақиллик ҳақида кўп ёзилди, ёзилмоқда ва ҳеч шак-шубҳа йўқки, бундан кейин ҳам мустақиллик моҳияти ҳақида ажойиб асарлар яратилади. Айнан мустақиллик бизнинг жаҳон ҳамжамиятидан жой олишимизга йўл очди. Ўзимизнинг пойтахтимиз, байроғимиз, рамзимиз, мадҳиямиз бор. Халқимиз томонидан сайланган, миллат ва Ватан тимсоли, озодлигимиз асосчиси ва посбони — Ўзбекистон Президенти бор. Ахир, булар биз учун ниҳоясига етган асрнинг улкан воқеалари эмасми?

Салкам ўн йил мобайнида асрга татигулик йўлни босиб ўтдик, халқ хўжалигининг турли соҳаларида катта ўзгаришлар қилинди. Хуллас, ютуқларимиз беҳисоб ва энг муҳими, бу ютуқлар меҳнаткаш халқимизникидир. Аммо, мавжуд муаммолардан ҳам кўз юммаслик керак. Ҳали маънавий-маърифий соҳаларда, кадрлар тайёрлаш, илм-фан, аграр тармоқ ва ҳатто соғлиқни сақлашдан тортиб, спорт жабҳаларида катта вазифаларни ечишимизга тўғри келади. Оддийроқ қилиб айтганда, бажарган ишларимизга қараганда тез орада амалга оширишимиз керак бўлган жиддий вазифалар кўпроқ.

Лекин эътироф этишимиз лозимки, якунланган йилда ҳам мамлакатимиз миқёсида, ҳам дунё миқёсида йирик воқеалар амалга ошди. Мана улардан айримлари:

- 9 январ куни Ўзбекистон халқи Ислом Каримов учун овоз бериб, XXI асрга Президент Каримов билан кириб бормоқчи эканлигини изҳор қилди;

- 22 январ ва 11 феврал кунлари янги сайланган парламентимиз биринчи сессиясининг икки бор йиғилиши ўтказилди. Унда Ўзбекистон раҳбари озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришнинг асосий вазифаларини белгилаб берди;

- 16-19 апрел кунлари АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг Ўзбекистонга ташрифи амалга ошди;

- 1-3 май кунлари Ўзбекистон Президентининг Ҳиндистон Республикасига учинчи бор расмий давлат ташрифи бўлди;

- 18-19 май кунлари 26 мартда ўтказилган президентлик сайловларида ғалаба қозонган ва 7 майда қасамёд қилган Россия раҳбари Владимир Путин ўзининг биринчи хорижий сафарини Ўзбекистондан бошлади;

- Май ойида пойтахтимиз Тошкентда минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди;

- Июн ойида Ўзбекистон Президентининг дастлаб Эронга, кейин эса Тожикистонга сафари амалга ошди.

- Июл ойида Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган «Шанхай бешлиги»нинг йиғилишида Ўзбекистон раҳбари ҳам қатнашди;

- 21 июн куни Москвада, 1 декабрда эса Минскда МДҲ давлат бошлиқларининг учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон томони муҳим ташаббуслар қаторида аксилтеррор марказини ташкил этиш ҳақидаги таклифларни яна бир бор баён қилди. Москва йиғилишида бу масала бўйича қарор қабул қилинган бўлса,Минскдаги учрашувда аксилтеррор маркази низоми тасдиқланди;

- Сентябр ойида Юртбошимиз қардош Туркманистон ва Қирғизистонга ташриф буюрди; Шунингдек, БМТнинг «Минг йиллик саммити»да қатнашиб, нутқ сўзлади;

- Октябрда эса Украина Президенти Леонид Кучманинг, сўнг Туркиянинг янги Президенти Аҳмет Неждет Сезернинг мамлакатимизга расмий давлат ташрифи амалга ошди;

- 20-22 ноябр кунлари И.Каримов йирик Ғарб давлатларидан бири Италия Республикасига расмий ташриф билан борди.

Албатта, булар Ўзбекистоннинг халқаро дипломатиядаги иштирокининг бир жиҳати, холос. Бундай йирик халқаро воқеалар қаторида октябр ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш; наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши курашга интеграциялашган ёндошув» мавзуидаги халқаро анжуманни алоҳида таъкидлаш муҳим. Ноябр кунлари эса Ислом оламининг буюк зотлари Бурҳониддин Марғинонийнинг 910 йиллиги ва Абу Мансур Мотуридийнинг 1130 йиллиги, шунингдек, «Шарқнинг Рафаэли» деб тан олинган улуғ мусаввир Камолиддин Беҳзоднинг 545 йиллиги мамлакатимизда, қолаверса, ўнлаб мамлакатларда кенг нишонланди. Дарҳақиқат, бу воқеалар Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётидаги йирик ҳодиса бўлиб, аслида бу жараёнлар мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги ўрни, мавқеи ва энг муҳими, нуфузига бўлган эътироф рамзидир.

(Боши. 1-бетда)

# ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ

## меҳр ва саҳоват ифодасидир

Ҳашаматли сарой марказига ўрнатилган ўрмон маликаси — ям-яшил арча гўзал ва жозибали. Болажонлар ва уларнинг ота-оналари безатилган арчани ҳамда унинг атрофидаги турли эртак қаҳрамонлари, хонанда-ю, созандаларни саройнинг ҳамма тарафидан бирдек, бемалол томоша қилишлари мумкин. Жажжи қалбларнинг қувончдан порлаган чеҳраларидан нур ёғади. Чунки, бу оддий Янги йил эмас, асрдан- асрга эзгу ниятлар ила қадам қўйишдек бахтга муяссар бўлган авлодлар байрами.

Даврада Қорбобо, Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари алоҳида топқир, зеҳни ўткир, билимдон болажонларга совға-саломлар ҳадя қилмоқдалар. Уларнинг либослари алоҳида танланганидан, катталар ҳам ўзларини эртаклар оламига тушиб, ўз болалик йилларига қайтгандек ҳис этадилар.

Байрам арчасига набираларини олиб келган Мастура ая ўз хурсандчиликларини шундай изҳор этдилар:

— «Президентимиз болаларимизга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишни канда қилмайдилар. Буни янги асримизнинг бошланиши - 2001 йилни «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилганликларидан ҳам билиш мумкин. У кишининг ҳар янги йил шодиёналарини ажойиб тарзда ташкил қилиб беришлари, фарзандларимизга алоҳида табрик йўллашлари, етим-есирларнинг бошини силаётганликлари болаларда беқиёс меҳр уйғотаётир.

Дарҳақиқат, Президент арчасига Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган ва ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандлари таклиф этилганлиги билан муҳимдир. Фарзандларимизнинг ҳар бирига Юртбошимиз номидан йўлланган табрикномада ушбу сатрлар битилган:

**Азиз фарзандим!**

**Сизни кириб келаётган Янги XXI аср билан муборакбод этаман.**

**Ислом КАРИМОВ.**

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикамизнинг барча вилоят ва туманларидаги 10 мингдан ортиқ ўғил-қизларга, пойтахтнинг 7 мингдан зиёд болажонларига Президент совғалари берилди.

Ушбу тадбирга Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Миллий банк, «Пахтабанк», «Ғаллабанк», «Файз» қўшма корхонаси, «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси, «Ўзпластитал» қўшма корхонаси каби ташкилотлар баҳоли-қудрат ҳомийлик қилдилар.

Арча атрофидаги шўхшодон ўйин-кулгилардан сўнг болажонлар «Томоша» болалар фольклор театр студияси томонидан тайёрланган «XXI асрга афсонавий саёҳат» эртак-спектаклини томоша қилдилар.

Унинг якунида ҳар йилги анъанавий ушбу қўшиқ янграйди:

***Президент арчаси***
***Истиқлол туморчаси,***
***Қувончларим қайнаган***
***Юрагимнинг парчаси.***

Энг муҳими, Президентимизнинг меҳр ва меҳрибонликларидан баҳраманд бўлган ҳар бир болакай қалбида уйғонаётган меҳр эртага албатта ўз мевасини бериб, Ватаннинг содиқ фарзанди бўлишига кафолат бўла олади. Буни тантана иштирокчиларидан бири Иброҳимбек Исоқовнинг болаларча беғубор ҳаяжон билан айтган ушбу сўзлари ҳам исботлайди:

«Президентимиз мени жуда яхши кўрадилар. Шунинг учун ўзлари мана бу совғаларни бериб юборибдилар. Катта бўлсам, яхши ўқишга ваъда бераман...»

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

# УМИД ЧЕЧАКЛАРИ

***Болалар - халқнинг умид чечаги, миллатнинг буюк келажагидир. Ҳаёт боғининг гулғунчалари бўлмиш жажжиларни ҳар қанча эъзозласак оз. Айниқса, улар ёрдамга муҳтож, меҳрга ташна, саховатга эҳтиёжманд бўлса...***

Инсоният янги асрга - янги минг йилликка қадам қўяётган бир пайтда давлатимиз одил сиёсати туфайли болалар ардоқланиб, меҳр кўрсатилаётган, ҳар бир гўшада янги йилга тараддуд кўрилаётган, ота-оналар қувона-қувона дилбандларига байрам совғаларини улашаётган улуғ айём кунларида жамоат ташкилотлари ҳам етим-есирлар, кам таъминланган оила фарзандлари, ногирон болаларга меҳр-саховат ёрдамларини улашдилар.

Бу савобли ишдан Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳам четда қолмади. Миробод туманидаги ақли заиф болаларнинг 57-мактаб-интернатига 300 минг сўмлик телевизор, 147 минг сўмлик видеоплейр Янги йил совғаси сифатида тақдим этилди.

Шу куни ўксик кўнгиллар севинчга тўлди. Хаста қалблар саховатли инсонлар мурувватидан тоғдек кўтарилди. Нигоҳларда умид учқунлари чақнади. Шунда хотиримизга, «Бир қалби ўксикнинг кўнглини кўтармоқ, жангда минг душманни енгиб ғолиб чиққан баҳодирнинг қаҳрамонлигидан кўра савоблироқдир», деган ҳикмат келди.

**А.НАБИЕВА**

***Қизириқ савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти кам таъминланган оилалар, қаровчиси йўқ, ёлғиз кишилар аҳволидан мунтазам хабар олиб туриши билан кўпчилик эътиборини қозонмоқда. Айниқса, байрамлар арафасида меҳрга муҳтожларнинг кўнглини олиш одат тусига кирган.***

***СУРАТДА: жамият раиси Қ.Маматмўминов эҳтиёжманд онахонга навбатдаги байрам совғасини топширмоқда.***



# БОР БЎЛ, ОҚИБАТ!



## КЎНГИЛ МУЛКИ

Мурувват ўн кунлиги муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган 104-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини қўшалоқ байрам — Рамазон ҳайити ва Янги аср бошланиши билан қутлаб, хайрия тадбирини ташкил этдилар.

Ушбу масканнинг 137 нафар ўғил-қизларига «Кибо» ҳамда «Янги Вега» қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилган мавсумий пойабзал ва Янги йил совғалари, телевизор ҳадя этилди.

— Сизлар бўлғуси касаба уюшма аъзоларидирсиз, - деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Зоиржон Қодиров. — Шу боис жисмонан ва маънан соғлом, ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб етишишингиз бизнинг эзгу мақсадимиздир.

«Тошкент» ва «Одил» гуруҳлари ижро этган куй ва қўшиқлар, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари томонидан тайёрланган театрлаштирилган томошалар байрамга янада файз бахш этди.

**Ҳасан МУСАЕВ.**

## ЧЕВАРЛАР ҲИММАТИ

Яккабоғ тумани Жуман Михлиев жамоа хўжалигининг Болғали қишлоғидаги чойхона биноси таъмирланиб, тадбиркор аёл Мунаввара Қудратова бошчилигидаги бир гуруҳ чевар аёлларга топширилди. Бу ерга тикув машиналари келтирилди. Хўжаликнинг ўн нафардан зиёд чевар хотин-қизлари ишни бошлаб юборишди.

Қишлоқ чеварлари тиккан бежирим либослар ўз харидорларини топа бошлади. Тикувчи қизларда цехни кенгайтириш фикри туғилди. Тадбиркор аёл ўзининг шахсий жамғармаси ҳисобидан қадимий каштачиликни ривожлантириш мақсадида яна битта цех ва аёллар сартарашхонасини очди. Қишлоқ аёллари тайёрлаётган зардўзлик либослари барчанинг ҳавасини келтирмоқда.

Яқинда Мунаввара Қудратова Болғали қишлоғидаги энг кам таъминланган оилаларга янги йил совғалари улашди.

*Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин*

# НУРОНИЙЛАР БОҒИ

## нафақахўрлар учун энг яхши совға

— Ҳа, чол, қаёққа? Ҳеч уйда ўтиролмас экансизда!

— Э, кампир, нимаям қилардим. Бир гузарга чиқиб, ховурдан тушиб келай.

— Нима, у ерда омоч тортармидингиз? Ундан кўра, невараларингизни қанотингизга олиб, жон — ўзимнинг жоним, деб ёнбошлаб ётсангиз-чи!

— Юрак қурғур тошиб турса, мен айбдорми? Ке қўй, йўлдан қолдирма, зора...

Албатта, сиз бунақа гапларни кўп эшитгансиз, ўзингиз ҳам шоҳиди бўлгансиз. Чиндан-да, эркак кишининг уйда ўтириши қийин. Кўчага ятраган уни. Беш-ўн сўм оладиган нафақаси ўз йўлига, лекин ёши етмиш-саксонни қоралаган нуронийларнинг ҳам тушига касб-кори кириб чиқади: ким ўзи бир вақтлар мингани тракторни соғиниб, уч-тўрт чақиримни кўрдим демаса, ким ўзи қурган бино рўясига қўйилган ўриндиқда хаёлга чўмишни хушлайди, яна кимлардир...

Раҳимжон Нуралиев хўжаликка раҳбар бўлиб сайланганининг учинчи куниёқ катта савобга қўл урди. Узоқ йиллар фуқаролар йиғинини бошқаргани учунми, туман «Нуроний» жамғармаси раиси Болтабой Юсупов узангини қаёққа тортаётганини дарҳол пайқади.

— Гап бўлиши мумкин эмас, - деди у устоз мулоҳазаларини эшитиб. - Жуда яхши ўйлабсиз. Мен бугуноқ фаоллар билан кенгашаман.

Фаоллар шуни кутиб турришган эканми, қарсак чалиб кутиб олишди. Тездан қарор чиқарилиб, маълум муддат қаровсиз қолган боғдан икки гектари қариялар ихтиёрига ажратиб берилди.

Хушхабарнинг қаноти қўш бўлади, деганларича бор экан. Болтабой ака Хизрга қўл берган каби боши осмонда, боғбонликни кимга топширсам экан, дея ширин хаёллар оғушида тузукроқ парвоз қилишга ҳам улгурмай, ҳашарчилар айткизмай ўзлари келаверишди. Кимлар боғни хас-ҳашакдан тозалаган, ким нарвон кўтарган, яна кимлар токқайчиси-ю аррасини белбоғига қистирганча дарахтларга ҳусн бахш этган...

— Барака топсин, раисимиз хўп бамаъни чиқди-да, - дейди дуога қўл очиб Файзулла ота Нурматов. - Ёшим саксонда. Саккиз фарзандим, ўн беш нафар неварам, яна аллақанча чеварам бор. Эшитиб, уйда тинч ўтиролмадим. Қани, бир боғимизни кўрай, деб келдим.

Болтабой Юсупов ўзича изоҳлар берган бўлади:

— Ота шу Ҳамид Олимжон номли хўжаликни мурғакликдан улғайтган табаррук инсонлардан. Бригадир, хўжалик мудири, ферма мудири, яна аллақанча вазифаларда ишлаганлар. - Сўнг, беозоргина ҳазиллашади. - Фақат раислик тегмаган, холос.

Кулишамиз. Гурунгга бошқалар ҳам қўшилишади. Пахтачилик бригадаси етакчиси бўлган, узоқ йиллар механиклик қилган 76 ёшли Шерқул ота Алиқулов, ҳосилот бўлиб ишлаган, аммо кўпроқ бригадирларнинг бригадири, деган таъриф орқали элга танилган 70 ёшли Аброр Нурматов, умр бўйи муаллимлик қилиб, минглаб шогирдларнинг ардоқли устозига айланган Мирсоат ота Каримов, қўйингки, юрак амрига бўй бериб ҳашарга чиққан 25-30 чоғлиқ отахонларга боқиб, уларнинг ёшларга хос ғайрат-шижоатини кўриб, ҳавасимиз келди, очиғи.

— Манави йўл чеккасидаги шийпон яқинда ҳокимимизнинг ташаббуси билан таъмирдан чиқди, - дея диққатимизни тортади Абдуназар ота Алланов. - Лекин у кўпчиликники, шунинг учун боғнинг этагигами, балки ўртасига бўлар, чоғроқ қилиб ўзимизга шийпон қуриб олсак, деб турибмиз.

Бу фикрни қолган ҳашарчилар ҳам маъқуллашади.

Қиш изғиринини ҳисобга олмаса, ишловдан сўнг «Нуронийлар боғи» гўё кўклам манзарасини ёдга солгулик ҳолатга келган, ҳозирданоқ алланечук баҳорий ифор димоққа урилаётгандек эди. Бири-биридан тафт олган каби тизилишган олма-ю шафтоли дарахтлари беминнат шамол кўмагида азизу мукаррам отахонларга таъзим бажо келтирмоққа ошиққан янглиғ соллонади.

Ҳашарчиларнинг энг «кенжаси» — 65 ёшли Эгам Саманов туман «Нуроний» жамғармаси бошқаруви қарори билан боғбон қилиб тайинланганлигини эшитиб, кўзларида ёш ҳалқаланади.

— Бунақа боғларнинг кўпида ишлаганман, - дейди у ҳаяжондан овози товланиб. - Лекин бу галгиси мени яна ўн беш-йигирма йилга ёшартириб юборди. Худо хоҳласа, икки-уч мавсумда жаннатга айлантириб юборамиз ўз боғимизни...

Ўз боғимизни! Бу сўзлар замирига яширинган фахр-ифтихор ва яна узоқ йиллар умр гузаронлик қилишга ички бир илинж бизни-да тўлқинлантириб юборди. Беихтиёр бир фикр қалқиб чиқди юзага. Бошқа туманларда ҳам шундай «Нуронийлар боғи» ташкил этилса-чи?!

Тажриба ўрганиш учун олам кезиш шарт эмас. Оққўрғон марказига келиб, «Нуронийлар боғи» қаерда, деб сўрасангиз кифоя, истаган одам йўл кўрсатиб юборади.

**Зайниддин РИХСИЕВ.**

## ТЎЙГА ҚЎШИЛГАН 20 МИЛЛИОН СЎМ

«Сурхонозиқовқатсаноат» ҳиссадорлик жамияти учун ўтган йил салмоқли кечди. Бу ерда 4 миллиард 776 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Корхона ишини 800 нафардан зиёдроқ киши тебратиб турибди. Ўртача ойлик ҳаққи 20 минг сўмга тўғри келмоқда. Ишчиларга икки маҳал бепул иссиқ овқат бериш йўлга қўйилган. Бунинг учун корхона ойига 350 минг сўмдан маблағ сарфламоқда. Шу йил бошидан бери корхонада ишлаётганларга 105 миллион сўмлик совун ва 15 миллион сўмлик пахта ёғи арзон нархларда сотилди.

Булардан ташқари, даволанишга эҳтиёж сезганларга ва дам олмоқчи бўлганларга ҳам корхона маъмурияти сезиларли миқдорда маблағ ажратмоқда.

Шу нарса эътиборга лойиқки, корхона шу йилнинг ўтган даври мобайнида Денов туманидаги Ногиронлар жамияти, Меҳрибонлик уйи, Туман кўзи ожизлар жамияти, «Қалдирғоч» болалар боғчаси, маҳалла, мактабларга бир миллион сўмдан кўпроқ хайрия ёрдам кўрсатди.

Шу йилнинг кузида Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан вилоятда катта тантаналар бўлади. Айни кунларда тўйга катта тайёргарлик ишлари олиб борилаётир. Бўлажак тўйга қўлидан келганлар тўёна қўшмоқдалар. Хусусан, ушбу корхона бу эътиборли тўй учун 20 миллион сўм ҳисса қўшди.

**«Туркистон-пресс».**



Йил мобайнидаги бир масалага алоҳида тўхталишни жоиз топдик. Зеро, бу масаланинг чуқур моҳияти бугунимиз ва эртамиз билан боғлиқ. Демак, ушбу ижтимоий-сиёсий масалани тўғри англаб етиш XXI асрдаги мавқеимизга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Муқаддам (1999 йил 7 декабр) 2000 йил яхши ниятлар билан «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинган эди. Бундан бош мақсад — ҳаммамизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлган фарзандларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол, эл-юрт учун чин дилдан қайғуриб яшайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш, миллатимиз, халқимиз тақдири ва келажагига дахлдор бўлган ана шу муҳим масалага масъулият ҳиссини оширишдан иборат эди.

Соғлом авлод дастурида кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш натижасида, хайрли ва савобли ишлар туфайли кенг жамоатчилик онгида, халқимиз дунёқарашида соғлом авлод масаласига бўлган муносабат тубдан ўзгаряпти. Ватан тақдири, келажагимиз бугун униб-ўсиб келаётган ёш авлодга, унинг жисмоний ва маънавий камолотига боғлиқ эканини ҳар бир юртдошимиз тобора теран англамоқда. Униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, ҳаётимиз кўрки, меҳр-муҳаббат тимсоли бўлган барча оналарга нисбатан эътиборни янада кучайтириш замон талабидир. Бу мантиқий хулосалар XXI асрнинг биринчи йилини, яъни 2001 йилни мамлакатимизда «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши учун тўла асос бўла олади. Ишончимиз комилки, бу эзгу мақсад йўлида ишлаб чиқиладиган дастурлар ҳамда амалий тадбирлар инсон тўғрисида, айниқса улғайиб келаётган ёш авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш ғоялари билан узвий боғланади. Бунинг мазмуни давлат сиёсатининг устувор йўналиши борасида олиб борилаётган ҳаракатларга ҳам тааллуқлидир.

Янги асрнинг дастлабки йилида қандай халқаро жараёнлар жаҳон аҳлининг диққат марказида бўлади, деган саволга жавоб берсак. Тахминимизча, XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида юзага келган ва афсуски, бугун ҳам ўз ечимини тополмаётган муаммолар келгуси асрнинг ҳам «оғриқ нуқтаси»га айланиши мумкин. Яқинда Афғонистондаги йирик сиёсий ва ҳарбийлашган мухолиф оқим - толибонларга қарши БМТ Хавфсизлик Кенгаши қўллаган жазо чоралари мураккаб вазиятдан чиқишга кўмаклашмаса керак. Қарангки, бу қарорга Кофи Аннан ҳам унчалик мойиллик билдирмаган. Бироқ, Хавфсизлик Кенгашининг 15 аъзосидан (5 таси доимий) 13 таси толибонларни жиловлаб қўйиш учун овоз берган. Инкор қилмаслик керак, бу қарор анча пухта ўйланиб, мутахассислар таҳлилидан ўтиб, кейин қабул қилинди. Лекин, ушбу жазо чоралари ўтган йилнинг 19 декабридан шу йилнинг 18 январигача амалда бўлади. Хўш, ундан кейин-чи? Бундай ҳаракатлардан ким кўпроқ жабр чекмоқда? Толибонларми ёки жафокаш афғон халқими? Ахир, халқаро ҳамжамиятнинг ўн йилдан бери Ироққа қарши молиявий-иқтисодий чеклашлари оддий халқнинг моддий аҳволини хонавайрон қилди-ку! Собиқ Югославия (Сербия)га қарши қўлланган иқтисодий ва халқаро санкциялар натижа бермади-ку! Демак, бу соҳадаги муаммолар хусусида ҳам жиддий ўйлаб кўриш замон талабига айланиб бормоқда. Айни пайтда янги асрда БМТни тубдан ислоҳ этиш ҳам биринчи даражали халқаро масалага айланса керак. Чамаси, БМТ айрим бақувват давлатларнинг таъсирига тушиб қолмасдан, ҳақиқий маънодаги «жаҳон тинчлик уйига», ҳар бир давлат ёки ҳар бир миллат ва элатнинг «нажот ва паноҳ топадиган тинчлик қароргоҳи»га айланиши лозим.

Инсоният янги йилдан бошлаб Яқин Шарқ можароси хусусидаги баҳс-мунозараларда янги ғояларни илгари суриши табиий. Аммо, бундан буён сиёсий кузатувчилар Араб-Исроил можаросига 50 йилдан ошди, деган фикрни камроқ айтар. Чунки, 1947 йилдан бери давом этаётган бу ихтилофлар энди сўзсиз шу асрда ҳам давом этадиганга ўхшайди.

Ҳозир Исроилда ҳокимият ўзгаришлари ҳақида кўп гапирилмоқда. Ваҳоланки, Фаластин-Исроил келишмовчиликлари бошлангандан бери қарийб 20 бор ҳокимият ўзгарди. Лекин, муаммо муаммолигича қолиб кетмоқда. Албатта, умидсиз бўлмаслик даркор. Шундай бўлса-да, Яқин Шарқ бугунги кунда кўпроқ аланга ичида қолганлигини ва бу ёнғин янги асрга ҳам ўтаётганлигини инкор қилмаган маъқул.

Кейинги ўн йил мобайнида Болқон Европа қитъасининг «Яқин Шарқи» бўлди, десак муболаға бўлмас. Тўғри, ўтган йил собиқ Югославияда катта ўзгаришлар бўлди. Мустабид тузум бошлиғи Слободан Милошевич ва унинг тарафдорлари узил-кесил мағлубиятга учради. Югославия Иттифоқ Республикаси (Сербия ва Черногория) демократия томон одимлаётганлиги халқаро анжуманларда эътироф қилинмоқда. Янги Президент Вонслав Коштуница йиллар мобайнида тўпланиб қолган миллий-этник, иқтисодий ва халқаро муаммоларни ечишга бел боғлаган. Бироқ... Минтақада ҳанuз Косово тақдири узил-кесил ҳал бўлмаган.

Ҳа, жаҳон аҳли янги асрга ўтган асрнинг муаммолари билан бирга кириб келди. Буларнинг айримларини эсладик. Булардан ташқари, Кашмир можароси, Шимолий Корея муаммолари, Чечанистону Шри-Ланкадаги сепаратизм, Ироқ, Ливия, Куба, Судан теварагидаги баҳс-мунозаралар, Эфиопия-Эритрея келишмовчиликлари, Конго, Бурунди, Руанда фожеалари... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Аммо, энг асосий хулоса: инсоният мана шундай жаҳон муаммоларини ҳал этишга қодирми? Албатта, қодир. Бунинг учун она заминимизни асраб-авайлаш йўлидаги ҳаракатларни бирлаштирган маъқул. Шундагина XXI аср ҳақиқий маънода тинчлик асри бўлиб қолади. Ишончимиз комилки, янги аср бутун жаҳон халқлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик асрига айланади.

**Қобилбек КАРИМБЕКОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

# ОДАМЛАР ДЕБ ЯШАЙДИ ОДАМ

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати Дилбар ЖАҲОНГИРОВА билан мулоқот*

**— Дилбар Набиевна, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил борилаётган бир шароитда энг оммавий жамоат ташкилоти — республика касаба уюшмаларининг ҳаётимиздаги ўрни, роли қандай?**

— Олти миллиондан ортиқ аъзога эга бўлган республика касаба уюшмалари савобли ишларни амалга оширишга даъват этилган. Меҳнаткашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялаш, қулай иш шароитлари яратиш, ишсизлик, банкротлик, ишлаб чиқаришда тан жароҳати каби ҳолатларнинг олдини олиш, ишловчилар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш кабилар фаолиятимизнинг асосий йўналишини ташкил этади.

Даргоҳларимиз одамлар учун ҳамиша очиқ. Мадад истаб келувчилар мушкулини осон этиш, адолатни юзага чиқаришга астойдил ҳаракат қиламиз. Бир мисол. Республика радиоалоқа соҳаси етакчи муҳандиси Х.Абдураззоқов ноҳақ ишдан бўшатилди. Муайян вақт овораю-сарсон бўлиб, охири Ўзбекистон Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасига мурожаат этди. Тажрибали мутахассислар масъулиятни чуқур ҳис этиб, уни қаттиқ туриб ёқладилар. Қарангки, бу ишга судда адолатли нуқта қўйилди. Инсон тақдирига масъулиятсизларча муносабатда бўлган, уни ойлар мобайнида саргардон қилган раҳбар охир-оқибат ишдан бўшатилди. Умуман касаба уюшмаларининг аралашуви билан тошкентлик О.Рўзметова, қумқўрғонлик Т.Раимқулов, фарғоналик А.Аҳмедов, навоийлик Н.Третьякова, деновлик Б.Файзуллаев, зафарободлик Е.Турсунов ва бошқалар ўз ишларига қайта тикландилар.

**— Баъзи ерларда меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқи чекланаётганлигининг туб сабаблари нимада деб ўйлайсиз?**

— Очиғи, ҳали ишловчилар у ёқда турсин, айрим раҳбару мутахассисларнинг ўзлари амалдаги қонунларимизни яхши билишмайди. Баъзида эса эски услуб панд бераяпти. Биз андишали, ориятли халқмиз. Лекин ҳамма нарса маромида бўлгани яхши. Зеро, андишали бўлиш камчиликлардан кўз юмиш деган гап эмас. Фикримни ҳаётий мисол орқали ойдинлаштирсам. Марҳамат туман автойўл бошқармаси ишчилари Ж.Икромов, Ф.Абдулваҳобов касб касллигига чалиниб, II гуруҳ ногиронлигига чиқарилди. Маълумки, Олий Мажлиснинг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилдаги 48-сонли қарорига асосан 2 ногирон собиқ иш жойларидан бир марта бериладиган йиллик нафақа пули ҳамда ҳар ойда тўланадиган нафақа олишлари лозим эди. Афсуски, давлатимизнинг бу меҳрибончилигидан корхона раҳбари ҳам, касаба уюшма қўмитаси раиси ҳам бехабар бўлган. Орадан беш йил ўтгандан кейингина Федерация Кенгаши мутахассисларининг ёрдами билан 2 ногирон нафақаси ундирилди...

**— Давр биздан омилкорлик, изчиллик ва ташаббус кўрсатиб ишлашни тақозо этмоқда. Бахтга қарши касаба уюшмалари олдида турган кенг кўламли ишларни кўнгилдагидек амалга оширишга тизимда узоқ вақт ўтириб қолган, ҳамон эскича ишлаётган кадрлар тўғаноқ бўлаётир, деган фикр ҳам йўқ эмас...**

— Бу бор гап. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши изчил кадрлар сиёсатини амалга ошириб, омилкор, ишбилармон, эътиқодли ва ташкилотчи ёшларни сафимизга кўпроқ жалб қилиш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширди. Муайян даражада мақсадга эришилди. Муҳим иш ҳамон диққат марказида. Янги 2001 йилда ўтказиладиган аттестациядан сўнг кадрлар масаласида жўяли натижага эришамиз, деган умиддамиз.

Жойлардаги тармоқ касаба уюшмалари муросасозлик йўлини тутган, меҳнаткашлар манфаатининг ишончли ҳимоячиси бўла



олмаётган касабақўм раисларини фаолиятига муносиб баҳо бериб, тўғри иш қилмоқда. Бундайлар матбуот орқали ҳам қаттиқ танқид остига олинмоқда. Чунончи, ўз газетамиз «Ишонч»да «Касабақўм ғирром йўлни қўллади» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Гап шундаки, Челак пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси А.Ёқубов ишчи-хизматчиларни ҳимоя қилиш ўрнига маъмурият томонидан йўл қўйилган камчиликларни ҳаспўшлаган. Табиийки, унга ишончсизлик билдирилиб, вазифасидан олиб ташланди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

**— Ижтимоий ҳимоя масаласида ибратли фаолият юритаётган қайси корхона ёки ташкилот касаба уюшма қўмитасини намуна қилиб кўрсатиш мумкин?**

— Бундайлар кўп. Олмалиқ тоғ металлургия комбинати касаба уюшма қўмитаси улардан бири. Комбинатда бир йилда ана шу муҳим иш учун 300 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланади. Жонкуяр директор, Олий Мажлис депутати Виталий Сигедин ташаббуси билан бу ерда «Меҳрибонлик уйи» ташкил этилди. Унда ойига 30 нафар бола дам олдирилмоқда. Улар тиббий кўрикдан ўтказилиб, саломатликлари мустаҳкамланаяпти. Қолаверса, бўш вақтларида спорт билан шуғулланишади, китоблар ўқийдилар, касб-ҳунар ўрганадилар. Комбинатда қариялар уйи ҳам бор. Мавжуд 18 та боғча, 18 та мактабга мунтазам равишда оталиқ ёрдами кўрсатиб келинмоқда. Бундай илғор жамоалар иш тажрибаси оммалаштирилмоқда.

**— Янги йил, Янги асрга қадам қўйган унутилмас кезларда касаба уюшмалари етакчиси сифатида Сизни кўпроқ нималар ўйлантиряпти?**

— Ишсизлик балоси, техника хавфсизлигига риоя этилмаслик оқибатида оз бўлса-да баъзи ерларда рўй бераётган кўнгилсиз воқеалар. Яширишнинг ҳожати йўқ, гоҳида арзимаган маблағдан қочиб, фожеали ҳодисаларга йўл очиб қўйиляпти. Сирдарё туманидаги «Шоликор» ширкатлар уюшмасида оқибати инсон ўлими билан тугаган бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Масъул шахслар ўз лоқайдлиги фожеага олиб келишини ўйлаб ҳам кўришмаган. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг учинчи қурултойида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда техника хавфсизлиги масаласига алоҳида эътибор берилган. Ҳозирда унга кўра таъсирчан тадбирлар изчил амалга ошириляпти ва улар ўзининг ижобий натижаларини бераяпти.

**— Янглишмаётган бўлсак, касаба уюшмаларига аъзоликни асослаш муаммоси ҳам бозор муносабатлари шароитида анча кескин бўлиб турибди. Зеро, чет эл касаба уюшмалари ҳаракатининг кўпчилик қисмида ҳам аҳвол шу. Яқин келажакда республикамизда касаба уюшмалари аъзолари сонининг қисқариши шубҳасиз. Боиси, вақти келиб унинг ижтимоий негизини асосан ёлланма меҳнат кишилари ташкил этади. Шу хусусда қандай фикрдасиз?**

— Гапингиз тўғри, лекин бизда аъзолар сонининг кескин қисқариши юз бергани йўқ. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Масалан, мамлакатимизда ҳар бир касаба уюшма аъзоси йилига ўрта ҳисобда 1000 сўмдан сал кўпроқ аъзолик бадали тўлайди, жамоа шартномалари орқали эса 15 минг сўмлик даромад ва манфаат кўради. Алоқа соҳасида бу кўрсаткич республикадаги ўрта кўрсаткичдан уч баробар, ёқилғи-энергетика мажмуида тўрт баробар, авиация тармоғида эса етти баробар ортиқдир. Шу билан бирга касаба уюшмалари ҳар йили меҳнаткашлар, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга салкам 5 миллиард сўм сарфлайди. Масалан, кейинги беш йил ичида мавжуд санаторий ва дам олиш уйларида 535 мингдан зиёд киши, санаторий-профилакторийларда 705 минг киши соғломлаштирилди, 2 миллион бола оромгоҳларда дам олди.

Биз давр талабидан келиб чиққан ҳолда сиҳатгоҳларда дам олиш ва даволаш ишини жаҳон андозалари талаблари даражасига олиб чиқиш ҳаракатида бўлаяпмиз. Бунда сиҳатгоҳларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, ётоқ, маданий-маиший хизмат биноларини тўла ёки қайта таъмирлаш, уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Сўнгги йилларда Чимбой туманида она ва болаларга мўлжалланган «Гулпаршин» сиҳатгоҳи ишга тушди. Қибрай туманида «Умид гулшани» санаторийси ҳамда энг нодир тиббий жиҳозлар ўрнатилган даволаш ташҳис маркази фойдаланишга топширилиши халқимизга касаба уюшмаларининг энг яхши совғаларидан бири бўлди. Бу ерга ташриф буюраётганларнинг аксарияти фарзандли бўлиш бахтига мушарраф бўлмоқдалар.

2001 йил ҳурматли Президентимиз томонидан «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан худди шу йўналишда қатор хайрли ишларни изчил амалга оширмоқдамиз. Жумладан, Ҳонқада 150 ўринли оналар ва болалар санаторийси, «Турон» сиҳатгоҳида коттежлар, «Чинобод»да эса сариқ касаллигини даволовчи махсус бўлим, «Умид гулшани»да сув ва балчиқ билан даволовчи мажмуа бунёд этилмоқда.

**— Узр, фикрингизни бўламан. Журналистларнинг фикрича, сиҳатгоҳларни тармоқ касаба уюшма қўмиталари тасарруфидан чиқариб, вилоят касаба уюшмалари кенгаши ихтиёрига ўтказиш, яъни тармоқлараро санаторий-профилакторийларга айлантириш жуда фойдали бўлиб кўринмоқда. Негаки, маблағлар ҳам, таъминот ҳам марказлаштирилса, бир тармоқ тасарруфидаги сиҳатгоҳдан бошқа тармоқ ходимлари ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлишарди.**

— Бу ҳақдаги фикрларни жамлаб, амалий ишга киришганмиз. Барча шароитлар мавжуд бўлган санаторийлардан унумли фойдаланиш асосий вазифа, албатта. Бироқ, гап шундаки, қайсидир, корхона, ташкилот, хўжалик ҳамда муассасалар ижтимоий суғурта бадалларини ўз вақтида тўламай, имкониятларни чекламоқда. Ваҳоланки, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштириш ижтимоий суғурта бюджетини шакллантиришдан бошланиши керак.

**— Касаба уюшмалари ижтимоий шерикчилик тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, чунки улар ишлаб чиқариш муносабатларининг энг нозик жиҳати бўлмиш ёлланма ходимлар номидан иш кўради ва улар манфаатини ҳимоя қилади.**

— Шундай. Меҳнат, ижтимоий қонунларни ишлаб чиқишда, жамоавий музокараларни олиб боришда, жамоа шартномалари ва келишувларини тузишда айни ўша ёлланма меҳнат кишилари ташаббускорлик кўрсатадилар. Бундай ташаббускорлик шу билан изоҳланадики, ходим билан иш берувчи манфаатлари мос келмайди, кучлар ҳам тенг эмас.

Ўз кучини, меҳнат қилиш қобилиятини ишлаб чиқариш жараёнида сарфлайдиган бутун жисмоний, интеллектуал, маънавий кучини сотадиган ходим доимо уни қимматроқ бўлишидан манфаатдор. Лўнда ифодалаганда, ходим ўз меҳнатига имкони борича юқори ҳақ тўланишидан, хавфсиз меҳнат шароити, чегараланган иш куни бўлишидан манфаатдор.

Иш берувчи манфаатлари эса баъзида бунга зид. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар касаба уюшмалари ҳимоя қилишнинг уч муҳим йўналиши — бандлик, меҳнат ҳақи, меҳнат шароити борасида бой тажриба орттиришган. Бу ибратли йўналишлар республикамиз касаба уюшмалари ишида муҳим ўринни эгаллаши керак. Шу ўринда ходимларни ишсизликдан ҳимоя қилиш хусусида ҳам тўхталиш жоиз. Ҳозирга келиб, расмий рўйхатга олинган ишсизлар сони маълум чегарадан ошгани йўқ. Лекин, бандлик соҳасидаги турғунсиз ҳолат, зарар кўриб ишлаётган ва ҳадемай банкрот бўлиш эҳтимолида бўлган корхоналар сонининг ошиши билан боғлиқ муаммолар ҳақида жиддий ўйлаб кўришимиз керак. Яна бир гап, касаба уюшма органларининг корхоналар молиявий хўжалик фаолиятини мониторинг қилиш масалаларига махсус тайёргарлигининг йўқлиги ҳамда тегишли тажрибага эга эмаслиги шунга олиб келаяптики, касаба уюшмалари корхона банкрот деб эълон қилинаётган ёки тугатилаётган босқичдагина бонг уришади. Ваҳоланки, корхоналар касаба уюшма қўмиталари банкротликнинг дастлабки аломатлари кўрина бошлаши биланоқ тегишли мутахассислар иштирокида иқтисодий таҳлил ўтказишни раҳбарлардан талаб қилишлари керак. Зеро, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг III-Қурултойи қатнашчиларига Мурожаатномасида таъкидланган: «Касаба уюшмаларининг ўз фаолиятини янгиланаётган иқтисодиёт талабларига мувофиқ йўсинда ташкил қилиш, меҳнаткашлар кенг ижтимоий қатлами манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг ҳаракат дастурини изчиллик билан ҳаётга жорий этишга интилаётгани эътиборга сазовордир», деган сўзлари масъулиятни ҳар дамда чуқур ҳис қилган ҳолда фаолият юритишга даъват этиб туради.

**— Мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини топишида спортнинг роли беқиёс бўлмоқда. Бизда унинг ривожи учун ҳуқуқий пойдевор, иқтисодий замин яратилган.**

— Фикрингизни тушундим, жисмоний тарбия ва спорт фаолиятимизнинг ажралмас қисмидир. Ҳар йили барча тармоқ касаба уюшмаларининг спартакиадалари зўр уюшқоқлик билан ўтказилиб, уларда минглаб ишчи-хизматчилар ва фарзандларининг иштироки таъминланмоқда. Ўғил ва қизларимизни у ёки бу спорт турига жалб этиш, иқтидорли ўсмир ёшларни тарбиялашда спорт мактабларининг роли катта бўлмоқда. Рақамларга мурожаат этайлик. Касаба уюшмаларига қарашли мавжуд 108 та БЎСМда айни кунда 30 мингдан ортиқ ёш спортчи тарбияланмоқда. Ўтган тўққиз йиллик натижаларга назар ташласак, уларнинг маҳорати тобора ошиб бораётганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Агар 1998 йилда 14 нафар тарбияланувчиларимиз халқаро тоифадаги спорт устаси талабини бажарган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 17 тага етди. 27-Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган спортчиларимизнинг 24 нафарини касаба уюшма спорти вакиллари ташкил этди. Бироқ, олимпиада биз учун чиниқиш, кўникиш мактаби бўлди.

**— Сизни ўзига ва бошқаларга бирдек талабчан, ўрни келганда қаттиққўл раҳбар, деб таърифлашади...**

— Раҳбарлик имтиёз эмас, юксак даражадаги масъулиятдир. Зеро, раҳбар бўлиш осонмас. У ҳамманинг кўз ўнгида. Юриш-туриши, одамларга эътибори, муомала муносабати ҳар куни имтиҳондан ўтади. Кўпга бош бўлган киши ҳал қилувчи дамларда омилкорлик, қатъиятлик кўрсатиб, одамларни руҳлантира билиши керак. Ходим ёки ишловчининг бирон-бир ибратли ҳаракати, ташаббуси унинг назаридан четда қолмаслиги керак. Ҳар бир жамоада соғлом, ўзаро талабчанлик муҳити мустаҳкам қарор топиши керак. Онгли интизом бўлмаган жойда эса муваффақият бўлмайди. Булар эса бевосита раҳбар салоҳиятига боғлиқдир.

**— Аёл, раҳбар, Олий Мажлис депутати сифатида эртанги кундан нималар кутаяпсиз?**

— Муҳтарам Президентимиз парламентнинг халқимизга Мурожаатининг моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама очиб берди. Мустақил Ўзбекистоннинг Янги минг йилликка қадам қўйишидек тарихий ҳодисанинг муҳимлигини, янгиланиш, давлатимиз янада тараққий этиши ва фаровонликка эришиши учун нималар қилиш лозимлигини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Аввало, аёл, она сифатида ўкинчим битта, Янги асрдан фақат тинчлик сўрайман. Зеро, 16 февралда, Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли ҳудудларида юз берган воқеалар тинчлик ва осойишталик нақадар буюк неъмат эканлигини яна бир карра эсимизга солди. Ўзбекистон Оллоҳ назар қилган юрт. Унинг юксак парвозларга қодирлигини хорижликлар ҳам эътироф этишмоқда. Бизга фақат тинчлик, хотиржамлик бўлса бас!

**Суҳбатдош: Мирғиёс ҚАЮМОВ.**







## САОДАТ СОҲИБАЛАРИ

Биз зўр миннатдорчилик ила кузатиб қолган 2000 йилда эришилган муваффақиятларимизда ҳаётимиз гуллари — хотин-қизларнинг муносиб ҳиссаси бор. Улар замонавий корхоналар, қайта ишлаш цехлари, маиший хизмат муассасаларида омилкорлик ва ташаббус кўрсатиб фаолият юритмоқдалар.

— 2000 йил жамоамиз учун омадли йил бўлди, — дейди Тошкентдаги Охунбобоев номли бош кийимлар корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Лолахон Абдураҳмонова. — Сифатли ва бежирим маҳсулотларимиз харидорларга манзур бўлмоқда. Моддий манфаатдорлик таъминланаётганлиги, меҳнат муносиб тақдирланаётганлиги боис ҳар бир ходим жонбозлик кўрсатиб ишламоқда.

Эътиборлиси шуки, мустақиллик шарофати ила ўтган йили мамлакатимизда қанчадан-қанча қўшма корхоналар ишга туширилди. Эндиликда замонавий технологияларни ўзимизнинг кадрлар моҳирлик билан бошқаришмоқда. Харидоргир маҳсулотлар хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Аёлларимиз қўли гул чеварлардир. Улар томонидан тайёрланаётган ранго-ранг буюмлар, зардўзлар, дўппилар хорижликларни ҳам мафтун этмоқда.

Суратларда: мамлакатимиз корхоналари, маиший хизмат муассасаларида меҳнат қилаётган, ажойиб фарзандлар тарбиялаётган хотин-қизларимиз жўшқин ҳаётидан лавҳалар.





# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ –
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ОЛИЙ БАХТ





**Касаба уюшма аъзолари, шу муборак заминдаги барча фуқароларни Янги йил, Янги мингйиллик билан самимий муборакбод этади.**








*Оллоҳ назар қилган юрт – жонажон Ўзбекистонимиз буюк келажагини кўриш ҳар бирингизга насиб айласин!*








## Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси

## Ўзбекистон автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси









***Республикамиз аҳли ва соҳа ходимларига самимий эзгу ниятларни йўллаб, янги мингйиллик билан қутлайди.***





*Янги йил, янги асрда мустақил юртимиз ва унинг ҳар бир хонадонига тинчлик, фаровонлик, бахту-саодат ёр бўлсин!*



# «ОҲАНГАРОНШИФЕР» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

**Соҳа ходимлари ва барча фуқароларни янги - 2001 йил билан чин дилдан табриклайди.**







*Озод ва обод Ватанимизни гуллаб-яшнатишдек улуғвор ишингизда муваффақиятлар тилаймиз!*

*Фахр*

***Мана, иккинчи минг йилликнинг сўнгги йили ҳам поёнига етиб, тарих саҳифаларидан жой олди. Пок ният, эзгу орзу, улуғ мақсадларни дилимизга жо этиб, янги аср — учинчи минг йилликка қадам қўйдик. Ўтган асрнинг кейинги йилларини хаёлимиздан ўтказсак, қалбимиз ғурур ва фахрга тўлади. Тақдиримизга беҳад шукроналар бўлсинки, шу кунларга мустақил давлат фуқаролари бўлиб етдик. Жондан азиз Ватанимиз, унинг юраги, пойтахти — Тошкент номи жаҳон узра таралмоқда. Нуфузи, шуҳрати ой сайин ошмоқда. Дарҳақиқат, истиқлол туфайли келажаги буюк мамлакатнинг маъмурий, маданий, илмий ва маърифий маркази — қадимий Шош буткул ўзгача қиёфа касб этди. Эндиликда унинг номи дунёнинг йирик, кўркам ва гўзал шаҳарлари қаторида тилга олинмоқда.***



# МАФТУНИНГМАН, ГЎЗАЛ ТОШКЕНТИМ!

Тошкент қадим-қадимдан «Шарқ дарвозаси» деб аталган. Кўп асрлар мобайнида шу кўҳна заминдан яқин ва узоқ юртларга карвонлар қатнаган. «Буюк Ипак йўли» шу ердан ўтган. Номи оламга танилган олимлар, шоирлар шу шаҳарда яшаб ижод этган. Тошкент муҳташам иморатлари, обод маҳаллалари, тўкин бозорлари билан ҳам машҳур бўлган.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозим, Тошкент йигирманчи асрнинг сўнгги йилларида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ҳатто дунё кўрган сайёҳлар ҳавас қиладиган меҳмонхоналар, муҳташам санъат кошоналари ва музейлар, маъмурий ва турар-жой бинолари қад ростлади. Шуларни кўриб ҳайратланмай, қувонмай бўладими, ахир! Булар бари давлатимиз, халқимиз шаъни, обрўсидир. Пойтахтимиз тимсолида мамлакатимиз қудрати, салоҳияти яққол намоён бўлди.

Тошкентда бунёдкорлик ишлари шунчалар авж олганки, биргина 2000 йилда қилинган бунёдкорлик ишлари ҳақида соатлаб гапириш мумкин.

Дарвоқе, ҳозирги замонда шаҳар хўжалигини юксалтиришнинг ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг биринчи шарти кенг ва равон йўллар барпо этишдир. Бу масалага алоҳида аҳамият берилаётганига тўхталиш жоиз. Мустақилликнинг 9 йиллиги байрами арафасида Аҳмад Дониш кўчасида умумий узунлиги 1151 метр бўлган кўприк фойдаланишга топширилди. У уч туманни ўзаро боғлайди. Унда икки йўналишда бир йўла олти қаторда автомобил ҳаракатланиши мумкин. Кўприк ишга туширилгандан сўнг Аҳмад Дониш, Уста Ширин, Мискин, Ҳусниддин Асомов номидаги кўчаларда транспорт қатнови тубдан яхшиланди. Тошкент кенгайиб, аҳоли сони ортиб, автомобиллар сони кўпайиши боис, юзага келиши мумкин бўлган муаммолар шу тариқа тезкорлик билан ҳал этилаётир. Яқиндагина Собир Раҳимов метро бекати яқинидан Чилонзор томон кўприк орқали йўл очилгани ҳам катта воқеа бўлди.

Истиқлол Ўзбекистонни жаҳонга танитди. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга қизиқиш тобора ортаётир. «Ўзкўргазмасавдо» жаҳон бозорига чиқишимизда дарвоза вазифасини ўтамоқда. Собиқ «Алпомиш» спорт саройи ўрнида бунёд этилган ушбу кўргазма биноси Ўрта Осиёда ягонадир.

Пойтахтимизда кейинги йилларда кўплаб замонавий илм масканлари ҳам қад кўтарди. Собир Раҳимов туманида 1125 нафар талабага мўлжалланган қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежи келажагимиз бунёдкорларига туҳфа этилди. Мирзо Улуғбек туманида 1200 нафар ёш таълим оладиган технология ва касб-ҳунар коллежи қурилди. У икки ўқув корпуси, ётоқхона, спорт зали, ошхона, устахона, маънавият ва маърифат хонасидан иборат бўлиб, барча қулайликларга эга.

Усмон Юсупов номидаги маҳаллада эса минг нафар ўқувчи ўқийдиган янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди. 2000 йилнинг саккиз ойида 18 километр узунликда водопровод, 12,7 километр масофада канализация, 20,9 километрга газ тармоғи ўтказилди. Шу қаторда ўнлаб супермаркет, ошхоналар, маиший хизмат уйлари ишга туширилди.

Шу вақт мобайнида амалга оширилган қурилиш ишларининг кўламини шундан ҳам билиш мумкинки, бунинг учун молиявий манбалар ҳисобидан 33,3 миллиард сўм сарфланди. 336,7 минг квадрат метр уй-жой қуриб битказилди. Жумладан, «Ўзжамғармабанк»нинг 68,9 минг квадрат метрли сертификат уй-жойи фойдаланишга топширилди. Бектемир ва бошқа қатор туманларда миллий услубда қад ростлаган гузарлар шаҳримиз чиройини яна ҳам очди.

* * *

Бугунги кунда пойтахтда 2230 дан зиёд хорижий ҳамкорлар билан ташкил этилган қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда 40 минг нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилаётир. Эътиборли томони шундаки, биргина ўтган йилнинг ўзидаёқ кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилди. Мисол тариқасида улардан бир нечтасини айтиб ўтиш ўринлидир. Тошкент авиасозлик бирлашмасида Швейцария ва Германия ишбилармонлари билан бирга ташкил қилинган. «Хобос-Тапо» қўшма корхонасида замонавий технологиялар асосида турли ҳажмдаги қувурлар ишлаб чиқариляпти. Сергели туманидаги Ўзбекистон - Буюк Британия «Қурилиш-сервис» қўшма корхонасида безакли ғишт тайёрлаш эса йўлга қўйилди.

Чилонзор туманида эса моделли пойабзаллар ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон - Австрия қўшма корхонаси иш бошлади. Унинг лойиҳа қуввати бир соатда 150 минг жуфт оёқ кийими ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона юксак технологик жиҳозлар билан таъминланган. Маҳсулотнинг 35 фоизи экспортга жўнатиляпти. Яна бир корхона — «Ўзсаматана»да ишланган сантехника жиҳозлари ҳам буюртмачиларга манзур бўлаётир. «Суфра» Ўзбекистон - Америка қўшма корхонасида бўлса, бир кунда 3,5 тонна мазали, турли хил печеньелар истеъмолчиларга етказиб берилаётир. Яқинда «Совпластитал» қўшма корхонаси «Энг яхши савдо белгиси» халқаро олтин совринини олди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланишга катта имкониятлар яратилгани туфайли шаҳарда кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилар сафи кун сайин кенгаймоқда.



Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобига қисқа вақтда 7200 та янги иш жойлари яратилди. Уларнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 23 фоизга етди. Уни яна такомиллаштириш учун тижорат банклари ресурсларидан 7,2 миллиард, бюджетдан ташқари маблағлардан эса 350 миллион сўмлик кредит ажратилди.

Шунингдек, тадбиркорларга 8,2 миллион АҚШ доллари, 565 минг немис маркаси қийматига эга бўлган лойиҳани амалга ошириш учун кредит берилди. Чилонзор, Акмал Икромов, Шайхонтоҳур, Мирзо Улуғбек туманларидаги кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳам чет эл кредитлари олишди. Умуман бултур олти ойда шаҳарда хориж сармояси қўйилган корхоналар сони 2690 тани ташкил этди.

* * *

Ўтганларни хотирлаш, руҳларини шод этиш инсоний бурчимиздир. Шу озод ва эркин ҳаётга етгунимизга қадар халқимизнинг ўнлаб асл фарзандлари мустабид тузум жабрини тортдилар. Эрк йўлида азиз жонларини фидо қилдилар. Уларнинг ҳаёт йўли ва тақдири тарихи келгуси авлодларга ҳам етиб бормоғи лозим. Шунда истиқлол аталмиш муқаддас сўз маъноси қалблардан чуқур жой олади.

Юнусободга кетаверишда бир жой бор. У ерга юзлаб бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилган. Шу жойда, яъни Бўзсув дарёси соҳили яқинида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Тошкентликлар ҳамда меҳмонлар у ерга ташриф буюриб, гуллар қўядилар, марҳумларни ёд этадилар.

* * *

Президентимиз биздан кейинги авлод соғлом, ақлли, доно бўлишлари ва албатта бахтли яшашлари зарур эканини доим таъкидлайдилар. Шу улуғ мақсадга етишиш учун мустаҳкам замин ҳозирланмоқда. Эзгу ишларнинг давоми сифатида 2001 йил Юртбошимиз томонидан «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди.

Шуниси диққатга сазоворки, пойтахтда «Соғлом авлод йили»да «Она ва бола» скрининг маркази иш бошлади. Марказда чақалоқлар синчиклаб, обдон текширилади. Мабодо, касаллик аниқланса, зарур муолажалар олиб борилади. Гўдакни соғлом вояга етказиш чоралари кўрилади.

Шунингдек, шаҳардаги ҳамма туманларда «Ёш оила мактаби» марказлашган ҳолда фаолият кўрсатяпти. Унда ёшлар оилавий ҳаётга тайёрланади. Юнусобод туман ижтимоий-таъминот бўлими қошида эса «Меҳр-мурувват» жамоат маркази очилди. Марказда ёлғиз қариялар, мададга муҳтож оилаларга яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда.

Замонавий спорт иншоотлари ҳам фойдаланишга топширилди. Энергетикларнинг «Учқун» спорт клуби, «Роҳат» клубида жаҳон миқёсидаги мусобақалар ўтказиш имконига эга гольф клуби шулар жумласидандир. «Тўқимачи» ўйингоҳи ва яна бир қанча спорт майдонлари талаб даражасида таъмирланди. Шаҳар марказида салобат бахш этиб турган Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театри янги аср бўсағасида тўла таъмирланиб, янада чирой очди.

Халқаро алоқаларни ривожлантириш, дунёга чиқишимизда ҳаво транспортининг хизмати катта бўлмоқда. Тошкент аэропортидан хорижга учадиган самолётлар йўналиши яна иккитага кўпайди. Буюк Ипак йўлидаги икки тарихий марказ — Тошкент - Рим шаҳарлари ўртасида ҳаво парвозлари йўлга қўйилди. Самолётлар Тошкент - Африка - Рим рейси бўйича ҳаракат қилмоқда. Ундан ташқари, «Боинг-667» лайнери Лондон - Урганч - Тошкент оралиғида қатнамоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент XXI асрни янги даврга муносиб равишда кутиб олмоқда.

**Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,**
**Темир ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари.**

# ЎЗБЕК СПОРТИНИНГ ЗАФАРЛИ ОНЛАРИ

## ёхуд мустақиллик йилларида мамлакатимизда спортнинг ривожи хусусида

Жисмоний тарбия ва спорт миллат саломатлиги гарови эканлиги сир эмас. Зеро, спорти тараққий этган давлатнинг халқлари соғлом ва келажаги руҳан тетик, порлоқ бўлиши исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир. «Мозийга қараб иш кўриш хайрлидир», деганларидек, мамлакатимиз ўтмишига бир назар ташлайлик. Хўш, буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур лашкарларининг енгилмаслигининг сири нимада эди? Унинг аскарлари машғулотларида жисмоний машқлар, жасурлик, довюраклик биринчи ўринда турган. Халқ ўйинлари асосида аскарларни жисмоний чиниқтириш усулини қўллаган буюк соҳибқирон лашкарлари «Машқда қийин бўлса, жангда осон кечади» деган қоидага қатъий амал қилишган. Темур қўшинлари отда қувиб етиш, совунланган ходага чиқиш, отдан отга сакраш, югуриб кетаётган отга сакраб миниш, тоғ чўққисидан дарёга қил арқон орқали тушиб-чиқиш каби жисмоний тарбия илмлари ва жанговар яккакураш сирларини ўзлаштириш орқали чиниққан. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Бир сўз билан айтганда, қадим-қадимлардан ота-боболаримизни ёв ололмаслиги ҳатто асов дарёлар ҳам чўктиролмаслиги, ўт куйдиролмаслиги, душманни қувса етиб, чекинса қутула олишлиги - демак «ўтда ёнмас, сувда чўкмас» йигитлар бўлишининг асосий сабаби ҳозирги кунда спорт турларига айланиб кетган халқ ўйинлари, жисмоний тарбия билан шуғулланишлари натижасидир. Ана шундай омиллар натижасида кейинчалик юртимиздан тенгсиз чавандозлар, юз қадамдан туриб тангани ура оладиган мерганлар, Аҳмад полвон, Саналак полвон, Қоратой полвон каби кураги ерга тегмаган паҳлавонлар етишиб чиққан.

Собиқ иттифоқ даврида ҳам Ўзбекистондан жуда кўплаб иқтидорли спортчилар етишиб чиққан бўлса ҳам, энг ачинарлиси, улар орасидан фақат бармоқ билан санаса бўладиган даражада кам - Руфат Рисқиев, Сайфуддин Ҳодиев, Собир Қурбонов, Собир Рўзиев, Рустам Казанов, Владимир Шин, Сергей Диомидов, Вера Дугонава, Элвира Саади, Комил Фатаулин сингари олимпиада, жаҳон ва Европа чемпионлари юзага чиқди, холос. Шу ўринда «Тошкент йўлбарси» номини олган, зарбига манаман деган чемпионлар ҳам дош беролмаган Руфат Рисқиевнинг энг гуллаган чоғларида ҳатто мамлакат чемпионати ва спартакиада ғолиби бўлганида ҳам узоқ вақтгача олимпиада ва Европа чемпионатларига жалб этилмаганлиги, бетимсол кучли зарбаси тилларда достон бўлган, жарима тўпи орқали бир марта ҳатто дарвозанинг тўрини ҳам тешиб юборган Геннадий Красницкийнинг собиқ иттифоқ терма жамоаси таркибида атиги уч бор иштирок этганлиги, Биродар Абдураимовдек моҳир ҳужумчи, иқтидорли ҳимоячи Олим Ашировларнинг бундай «шараф»га ҳатто бир марта ҳам муяссар бўлмаганликларини ишқибозу мутахассислар яхши эслашади.

Ҳа, фақат мустақилликкина мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг том маънода ривожланишига кенг имкониятлар ва истиқболлар очиб берди. Ушбу соҳани ривожлантиришнинг қонуний асослари яратилди. Зеро, Ватанимиз истиқлолга юз тутганидан кейин қабул қилинган илк қонунларимиздан бири ҳам «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонун эди. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни халқаро андозалар даражасига етказиш учун кенг имкониятлар очадиган ушбу қонуннинг янги таҳрири, футболни ривожлантириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг иккита қарори, қолаверса Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майда қабул қилган «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги тарихий қарори ушбу соҳанинг тараққий топишида беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон спортчилари мустақил жамоа шаклида энг йирик халқаро мусобақалар - олимпиадалар ва Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ва Кубоклари, Осиё чемпионатларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. 1994 йили Норвегиянинг Лилмхаммер шаҳрида ўтган қишки олимпиада ўйинлари юртимиз спортчилари иштирок этган дастлабки энг йирик мусобақа бўлди. Унда фристайл бўйича ҳамюртимиз Лина Черязова олтин нишонни қўлга киритиб, қишки спорт турлари бўйича ўзбекистонлик биринчи олимпия чемпиони сифатида тарих саҳифаларидан ўрин олди. Худди шу йили ўзбекистонлик спортчилар биринчи бор Японияда ўтган Осиё ўйинларида қатнашиб, ўнта олтин, ўн иккита кумуш ва йигирма бронза медалини қўлга киритган ҳолда қирқ икки мамлакат ичида фахрли бешинчи ўринни эгаллашди, футболчиларимиз эса турнир ғолиблари бўлишди.





1994 йили хайрли анъанага асос солиниб, теннис бўйича халқаро Президент Кубоги мусобақалари ўтказила бошланди. Ҳозирги кунда ушбу турнир катта теннис оламидаги энг нуфузли мусобақалардан бирига айланиб, унда жаҳоннинг биринчи ўнлигига кирувчи теннис «юлдуз»ларининг иштироки одатий ҳолга айланиб қолди. Аёллар ўртасида ўтказилаётган «Тошкент Оупен» теннис мусобақаларининг ҳам обрўси йилдан йилга ошиб бормоқда. Ҳар иккала мусобақа Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Вадим Куценко, ёшлар ўртасида Уимблдон мусобақаларининг ғолиби Ирода Тўлаганова, опа-сингил Луиза ва Лилия Биктякова каби юртимиз теннисчиларининг камол топишида муҳим рол ўйнади.




1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан халқаро олимпия қўмитасининг қўллаб-қувватлаши остида Тошкент шаҳрида илк бор Ўрта Осиё ўйинлари ўтказилди. Унда бешта Ўрта Осиё республикалари спортнинг 12 тури бўйича беллашди. Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

1996 йилда эса 76 спортчидан иборат республикамиз спорт делегацияси илк бор АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтказилган олимпиада ўйинларида қатнашди. Курраи заминнинг ҳаваскорлар ўртасидаги энг нуфузли ушбу мусобақасида А.Багдасаров дзюдо бўйича кумуш, К.Тўлаганов эса боксчилар баҳсида бронза нишонларини қўлга киритди. Юртимизнинг яна ўн тўрт нафар вакили ўз спорт турлари бўйича кучли ўнликдан жой олишди.

1998 йилда Ўзбекистоннинг ёш умидлари 131 мамлакатнинг 7830 нафар спортчиси қатнашган Москва шаҳрида ўтган Бутунжаҳон ёшлари ўртасида ўтказилган мусобақада иштирок этишди. Унда жами 12 та турли хил нишонлар соҳиби бўлган юртдошларимиз АҚШ, Германия, Буюк Британия, Япония, Франция каби етакчи мамлакатларни ортда қолдирган ҳолда умумжамоа ҳисобида фахрли ўн учинчи ўринни эгаллашди.

Шу йили XIII Осиё ўйинларида қатнашган спортчиларимиз Осиё қитъасида энг кучлилардан эканликларини яна бир карра исботлашди. Ҳаммаси бўлиб спортчиларимиз қирқта медални қўлга киритишди. Мусобақаларда қатнашган ўн боксчимиздан тўққизтаси медаллар билан қайтди.

1997 йили бокс бўйича ўтган Осиё чемпионатида умумжамоа ҳисобида ғолиб чиққан чарм қўлқоп усталаримизнинг муваффақиятлари йилдан-йилга салмоқли тус олмоқда. Шундан сўнг М.Абдуллаев ва Л.Зокировлар жаҳон Кубогида ғолиб, М.Абдуллаев ва Ў.Ҳайдаровлар жаҳон чемпионлари бўлишганлиги шарафига юртимиз мадҳияси янгради. Ўтган йили Тошкент шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида Д.Йўлдошев, А.Раҳимов, М.Абдуллаев, С.Михайлов, Р.Чагаев ва Р.Саидовлар олтин нишонларни қўлга киритган ҳолда Сидней олимпиадасига йўлланмаларга эга бўлишди.

Шахматчиларимизнинг ютуқлари ҳам ишқибозларни хушнуд этмоқда. Қисқа вақт ичида юртимиздан етишиб чиққан С.Йўлдошев, Р.Қосимжонов, Д.Қаюмов каби халқаро гроссмейстерларнинг хориж давлатларидаги йирик халқаро турнирлардан ғалаба билан қайтишлари хайрли анъана тусини олди. Тошкентлик ёш, умидли Рустам Қосимжонов эса жаҳон чемпионатларида курраи заминимизнинг энг кучли шахмат усталари билан тенгма-тенг дона сурмоқда.

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**

*(Давоми бор.)*



# МУРАББИЙГА — «ИШОНЧ» ГАЗЕТАСИ СОВРИНИ

Қарши шаҳридаги «Насаф» ўйингоҳи гавжум. Бу ерга ташриф буюрган кураш ишқибозлари полвонларни олқишлар билан қаршиладилар. Ўзбек миллий кураши бўйича биринчи Ўзбекистон кубоги мусобақасига бағишланган тантанани Қашқадарё вилояти ҳокими Бахтиёр Ҳамидов табрик сўзи билан очди.

Сўнг Давлат мадҳияси янграб, мусобақа байроғи кўтарилди. Халқаро кураш ассоциацияси департаменти бош директори Боймурод Юсупов беллашув иштирокчиларини табриклар экан, ўзбек кураши жаҳонга юз тутганлигини алоҳида эътироф этди. Ўн бир марта Ўзбекистон чемпиони, спорт фахрийси мубораклик Нортожи полвон Сайимов иштирокчиларга оқ фотиҳа бериб, полвонларга омад тилади.

— Мусобақаларга 180 нафар полвон таклиф этилди ва 98 жуфтлик гиламга чиқди, - дейди вилоят кураш федерацияси раиси, халқаро тоифадаги рефери Сайфулло Амирқулов. — Қизғин кечган баҳсларда Қашқадарё вилояти курашчилари ғолиб бўлдилар. Бухоро вилояти полвонлари иккинчи, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳри вакиллари учинчи ўринни олишди.

Вилоят ҳокими республика кубогини ғолибларга топширар экан, қатнашчиларга бундан буёнги беллашувларда ҳам муваффақият тилади. Совриндорларга Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг совғалари топширилди. Шунингдек, таниқли мураббий Омон Тўймуродовга «Ишонч» газетасининг қимматбаҳо совғаси тақдим этилди.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**
**Суратларда: мусобақа иштирокчилари.**



# КИМ, ҚАНДАЙ ҚАРШИЛАЙДИ?

Жаҳонда нечта миллат бўлса, янги йилни кутиб олишда ҳар бирининг ўзига хос урф-одатлари ва удумлари бор. Уларни эса ягона ният — тинчлик ва омонлик бирлаштириб туради.

Шарқона тақвим бўйича янги йил 21 мартдан бошланади ва буни биз Наврўз байрами сифатида нишонлаймиз. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида эса Георгей тақвими бўйича 1 январдан янги йил кириб келади. Миллий қадриятларни унутмаган ҳолда кўпчилик Шарқ давлатлари қатори диёримизда ҳам йилнинг бошланиши муносабати билан 1 январ байрам қилинади. Хўш, чет элларда янги йил қандай кутиб олинади?



Америка қўшма штатларида янги йилга тайёргарлик бир ой, тантаналар эса бир ҳафта олдин бошланади.

Барча штатлардаги ўйингоҳ дўконлари эртаклардагидек безатилиб, каттакон Арча ўрнатилади. Бу ерга келган ҳар бир бола ўзини мўъжизалар дунёсига тушиб қолгандек ҳис қиладилар. Арча ёнида эса Санта Клаус (Қорбобо)ни учратадилар. Америкада қадимдан бир ривоят юради. Агар янги йил арафасида кимки орзу-тилакларини Қорбобога айтса, албатта у рўёбга чиқади. Шунинг учун ҳам Санта Клаус дўконга кирган ҳар бир бола билан гаплашишга, уларга совға улашишга ҳаракат қилади.

* * *

Аксарият Ғарб мамлакатларида, хусусан, Европада ота-она Қорбобони ёллашларига ҳожат қолмаган. Компьютер тармоғи кенг такомиллашган ушбу қитъадаги оилаларга Қорбобо компьютер орқали кириб келади. Бунинг учун шахсий компьютерлар интернет тармоғига уланса бас, Қорбобо билан истаганча эркин дунё бўйлаб саёҳатга чиқиш мумкин. Фақат тўсиқ ва қийинчиликларни енгиб ўтган болаларгина совғаларга эга бўладилар. Хуллас, Ғарбда совға олиш учун аввало билимдон ва ақлли бўлиш кераклиги тақозо этилади.

Болажоним,
Меҳрибоним —
Юртимиз
бахтига,
Онажонинг
бахтига
Бор бўлгин,
Омон бўлгин
Ҳар доим!

И.ҲАСАНОВ олган сурат.



# 2001 ЙИЛ ТАҚВИМИ



| | YANVAR | FEBRAL | MART | APREL |
|---|---|---|---|---|
| DU | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 |
| SE | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 |
| CH | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 |
| PA | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 |
| JU | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 |
| SH | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 |
| YA | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 |

| | MAY | IYUN | IYUL | AVGUST |
|---|---|---|---|---|
| DU | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 |
| SE | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 |
| CH | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 |
| PA | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 |
| JU | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 31 |
| SH | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 |
| YA | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 |

| | SENTABR | OKTABR | NOYABR | DEKABR |
|---|---|---|---|---|
| DU | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 |
| SE | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 |
| CH | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 |
| PA | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 |
| JU | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 |
| SH | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 |
| YA | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 |




## ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Ўсимлик чангига тоқат қилолмаслик поллиноз дейилади. Бу касалликнинг соддагина «гул тумови», «пичан безгаги» деган номлари ҳам бор.

Қадимги Римнинг машҳур шифокори Гален бундан 800 йил муқаддам атиргулни ҳидлаши билан бурнидан қон келадиган одамлар ҳам бўлиши тўғрисида ёзиб қолдирган.

Аллергия туфайли баъзи кишиларнинг янги йил байрами барбод бўлиши мумкин. Дарвоқе, янги йилни арча билан байрам қиладиган мамлакатларнинг ҳаммасида «Янги йил аллергияси» деб аталадиган эпидемия бошланади.

**А.АЛИЕВ.**

## СУРАТЛАРДА БАХТЛИ БОЛАЛИК

Янги йил арафасида Алишер Навоий номидаги катта Академик театр залида «Ўзбекистон - Ватаним маним» мавзуидаги расмлар кўргазмаси очилди. Тошкент шаҳар кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси томонидан уюштирилган ушбу кўргазмада соҳа ходимларининг фарзандлари иштирок этишмоқда. Ушбу тадбир учун 300000 сўмлик маблағ сарф этилди.

— Мақсадимиз болалар онгида гўзал ва обод Ватанимизга муҳаббат туйғусини шакллантириш ҳамда улардаги қобилиятни юзага чиқариш, - дейди мазкур қўмита раиси Зиёдулла Худойбердиев. — Ўн кун давомида намойиш этиладиган кўргазмага шаҳардаги 11 та тумандан 50 нафарга яқин болажонлар чизган ранг-баранг расмлар қўйилади. Ғолибларга муносиб мукофотларимиз бор.

Бу ерга келганлар Алёна Кимнинг «Гулла, яшна жонажон Ўзбекистон», Элдор Пўлатовнинг «Артистлар», Саида Обиджонованинг «Нон бўлаги» каби расмларини қизиқиш билан кўздан кечирдилар. Томошабинлар ҳукмига ҳавола этилган ижод намуналарида жонажон юртимиз табиатига доир лавҳалар, бахтли болалик, бунёдкорлик ишлари болаларча содда тасаввур билан акс эттирилган.

Кўргазманинг илк ғолиблари — Ҳаким Маҳкамов, Нафиса Дўстова ва бошқаларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

**М.МИРКАМОЛОВА.**

*Биз билган ва билмаган олам*

## ОҚ ИЛОН — ДОНОЛИК ВА ЗИЙРАКЛИК РАМЗИ

Оллоҳ яратган энг буюк мўъжизалардан бири инсондир. Шарқ тақвимига кўра, ҳар бир инсон муайян йилда ўзининг келгусидаги ҳаётига таъсир кўрсатувчи туғма хислатларга эга бўлиб туғилади. Мунажжимлар юлдузлар жойлашиши, Куёшнинг ҳаракати, ой даврларининг такрорланишини ҳисобга олиб, мучалларга қараб, инсонларнинг қобилияти, истеъдоди, феъл-атвори, қолаверса, кимнинг юлдузи кимга тўғри келишини айтиб беришган.

Шарқ тақвими бўйича 2001 йил Оқ илон йилидир. Илон — донолик ва зийраклик, куч ва қудрат тимсолидир. Шунинг учун Янги йил инсонлардан ақл-идрок, сабр-қаноат, кенгфеъллик билан иш тутмоқни, жаҳлни жиловлаб, ақлни чархлашни талаб этади. Зеро, илоннинг қаҳрини келтирмоқ ўзига зулм, хавф-хатар туғдирмоқдир. Чунки, илон ўзига эътибор қаратишни, гўзал ва доно бўлишни ёқтиради. У хиёнат ва разолатни ҳеч қачон кечирмайди.

Илон йилида туғилганларга шунинг учун ҳам тақдир донолик ва зийракликни, ақлли ва топқир, гўзал ва ёқимтойликни ато этган. Улар кўп ва хўб фикр-мулоҳазали бўлганликлари, кенг тафаккури ва билимдонлиги сабаб етакчилик қобилиятига эга бўлишади. Бошлаган ишларини қатъият билан охирига етказишади, муваффақиятсизликни ёмон кўришади. Табиатан хотиржам бўлсалар-да, ишнинг кўзини билиб, тез ва тўғри хулоса чиқарадилар. Қандай ишга қўл урмасинлар, улар ҳеч қачон таваккал қилмайдилар, ақл билан иш юритадилар. Шунинг учун ҳам ҳаётда кўпинча уларнинг омади келади, ҳамиша олдинда юришади. Улар келажакда буюк файласуф, етук сиёсатчи, қилни қирқ ёрувчи доно молиячи бўлиб етишадилар. Гоҳида худбин ва мақтанчоқ бўлсалар-да, бу яхши фазилатлари олдида билинмай кетади. Бу мучал соҳиблари муҳаббат ва вафони, меҳр-саховатни алоҳида қадрлайдилар, яхшиликни ҳеч қачон унутмайдилар. Улар бир садоқатга ўн садоқат билан жавоб қайтарадилар. Дўстларидан жонларини ҳам аямайдилар.

Умр йўлдошларини уларнинг ўзлари саралаб-саралаб танлайдилар. Чиройли, гўзалликни беҳад севгувчи «илон»лар ниҳоятда рашкчи ва инжиқдирлар. Уларнинг кўнглини олиш қийин. Шундай бўлса-да, улар энг яхши ҳис-туйғуларини оилага бахшида этадилар. Айни вақтда оқ илон муҳаббат, меҳршафқат, осойишталик рамзи. Бу йилда қувониб юрганлар ҳақиқий бахт-саодатга эришадилар. Агар «илон»ни ўзингизга янада ром этмоқчи бўлсангиз аввало чиройли кийининг, асабийлашманг. Янги йил дастурхонида эса албатта парранда гўшти ва тухумдан тайёрланган таомлар сероб бўлсин. Энг муҳими Янги йил орзу-умидлар, муҳаббат, тўй-тантаналар учун омадли келди. Маданият-санъат, мусиқа янги поғонага кўтарилди. Фан-техника соҳасида муваффақиятларга эришилди. Дарвоқе, илон йилида у ёқтирган кумуш ранг урфга киради. Тилла тақинчоқлар ўрнини кумушдан ясалган ашёлар эгаллайди. Илон терисига ўхшаш турли рангда товланиб турувчи матолар гўзаллик шайдоларига янада жозиба бахш этади.

Меҳр ва муҳаббат йили барчангизга шодлик ва омад келтирсин!

*Диққат, танлов!*

## АСР КИШИСИ

***<u>У қандай бўлиши керак? Албатта гап фазилатлар ҳақида кетганда, аҳлоқ-одоб, самимият, саҳоватпешалик каби сифатлар тилга олинади. Лекин орамизда яна шундай инсонлар борки, уларга боқиб беихтиёр ёқа ушлайсиз — бу ишларга қандай улгураркин, шунча куч-ғайратни қаердан оларкин, дея ҳайратга тушасиз.</u>***

«Ишонч» газетаси танловини шартли равишда «Аср кишиси» деб атадик. Мақсадимиз аён — Янги йилни қандай кутиб олсак, бутун йил шундай ўтади, деган таомилдан келиб чиққан ҳолда асримизнинг дебоча қисмидаёқ жондан азиз Ватанимиз — Ўзбекистонимизни юксак парвозлар билан қутлашни, унинг ёрқин истиқболини худди кафтимизда тургандек аниқ-равшан идрок этишни истаймиз. Бундай парвозларни рўёбга чиқарувчилар эса яна одамлар — сизу биз билан ҳамнафас бўлган, фақат нимаси биландир, қайсидир фазилатига кўра бошқалардан ажралиб турувчи кишилардир, албатта. Бу ерда гап иродали, қатъиятли, мард, ўз ҳаёти мазмунини ўзгалар бахт-саодатида деб билган, курашчан, бир сўз билан айтганда, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоячиси, олижаноб инсонлар ҳақида бормоқда.

Сезиб турибмиз: кўз ўнгингизда даставвал жонкуяр, фидойи ва тиниб-тинчимас касаба уюшма фаоллари намоён бўлган эса ажаб эмас. Улар жуда кўп, фақат уларни элга танитиш, уларнинг тажриба ва ташаббусларини элга ёйиш, шу йўл билан бошқаларни-да қалбига ўт солиш, илҳомлантириш, аср тегирмонининг янада баракотли айланмоғига ўз ҳиссамизни қўшиш лозим бўлади. Зеро, яхши одамларнинг ибратли ишларидан ҳикоя (очерк, лавҳа, фоторепортаж) қилишдан савоблироқ иш йўқ.

Ўйлаймизки, сиз ҳам бу савобдан қуруқ қолмайсиз. Танловда барча ёзувчи ва журналистлар билан бир қаторда барча соҳа кишилари ҳам фаол иштирок этадилар деб умид қиламиз. Танлов ғолибларини муносиб мукофотлар кутмоқда.

***Биринчи мукофот — 100 минг сўм.***
***Иккинчи мукофот — 50 минг сўм.***
***Учинчи мукофот (иккита) — 25 минг сўмдан.***

***Танлов ғолиблари 8 декабр — Ўзбекистон Конституциясининг 9 йиллик байрами арафасида эълон қилинади.***

**ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИ.**

*Байрам ҳазиллари*



## «ЯНГИ ЙИЛ» БОШҚОТИРМАСИ



**Ёйлар бўйича:** 1. XX асрнинг йил ҳисоби. 2. Янги йил даракчиси. 3. Ватанимиздаги энг баланд чўққи жойлашган тоғ. 4. Миллий таом. 5. Ҳафта куни. 6. Ҳажвий саҳна асари. 7. Янги йилни апрелда кутиб оладиган Жанубий Осиёдаги давлат пойтахти. 8. Тоғ меваси. 9. Иқтидорли болалар ўқийдиган билимгоҳ. 10. Чавандозлар баҳси. 11. Футбол бўйича республика чемпиони. 12. Манзарали ўсимликдан тайёрланадиган ичимлик. 13. Вақт ўлчови бирлиги. 14. Эришилган муваффақиятлар учун бериладиган нарса. 15. Шоирлар анжумани. 16. Миллий нон тури. 17. Йил фасли. 18. Муомаладаги нозиклик, одоб. 19. Марказий осиёлик фазокор. 20. Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг нодир асари. 21. Ипак йўли ўтган шаҳар. 22. Бирор тажрибани амалда кўрсатиш. 23. Умрнинг энг гўзал они. 24. Аския устаси Ю.Шакаржонов тахаллуси. 25. Эркин Воҳидов ғазалидан:

Сенга бахтдан тахт тиларман,
Толедан бошингга тож,
Мулки ҳуснингга омонлик,
Тожу тахтингга ....

26. Навоий ғазали билан айтиладиган қўшиқ. 27. Европадаги мамлакат. 28. Туркий миллат. 29. Амалга оширилаётган иқтисодиёт. 30. Хўл мевадан тайёрланадиган ширинлик. 31. Оммабоп журнал. 32. Гуллаб-яшнаган маскан. 33. Ҳиндистонда ўсадиган мевали дарахт. 34. Янги асрдан дарак бериб, бонг урувчи пойтахтимиздаги минора соатнинг меъмори. 35. Янги минг йилликнинг биринчи куни. 36. Қишки «шабнам».

**тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.**

### ЎТГАН ЙИЛНИНГ 178-СОНИДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМА ЖАВОБЛАРИ

**ЭНИГА:** 1.Скопаст. 4.Дўмбира. 8.Ғазал. 9.Рувак. 10.Рубоб. 11.Ивирсиқ. 13.Нивилер. 15.Созанда. 18.Авлод. 19.Жарчи. 20.»Сурат». 22.Ариза. 25.Тантана. 27.Тазкира. 30.Баллада. 32.»Манас». 33.Вазир. 34.Ғалла. 35.Нилуфар. 36.Қатлама.

**БЎЙИГА:** 1.»Суғдиёна». 2.Атлас. 3.Тароқ. 4.Дакан. 5.Меров. 6.Акбарали. 7.Авахта. 12.Итил. 14.Литр. 16.Озода. 17.Равон. 20.Спитамен. 21.Рашк. 23.Игна. 24.Авиабаза. 26.Тарози. 28.Инсоф. 29.Анвар. 30.Бироқ. 31.Луғат.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.00

1 2 3 4 5 6